O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

ТАРБИЯВИЙ-АХЛОҚИЙ МАСАЛАЛАРДА, МАЪНАВИЙ ҲАЁТДА, КЕРАК БЎЛСА, МИЛЛИЙ МАНФААТЛАРИМИЗГА МОС КЕЛАДИГАН СИЁСАТНИ ИЗЧИЛ ОЛИБ БОРИШДА ЎЗ ЙЎЛИМИЗНИ ЙЎҚОТМАСЛИГИМИЗ УЧУН ҒОЯВИЙ БЎШЛИҚҚА ЙЎЛ ҚЎЙМАСЛИГИМИЗ ДАРКОР.

Ислом КАРИМОВ

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ–ОММАБОП ҲАФТАЛИК ГАЗЕТАСИ

1996 йил 30 январдан чиқа бошлаган | 2000 ЙИЛ 11 АПРЕЛ, СЕШАНБА | № 15 (167) | Сотувда эркин нархда

Қонун–ҳам қилич, ҳам қалқондир.

ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ ДАХЛСИЗДИР

Қонун ва ижро

Ўзбекистон аталмиш мустақил мамлакатимизнинг ўзига хос ва мос тараққиёт йўли бозор муносабатларига асосланган эркин фуқаролар жамиятини қуриш, халқимизга муносиб турмуш шароитлари яратиб беришдан иборат. Бунинг учун жамиятнинг сиёсий фаоллигини ошириш, фуқаролар ислоҳотларнинг оддий кузатувчиси эмас, балки бевосита ижрочиси бўлишлари лозим.

Конституциямизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари биринчи ўринга қўйилганининг боиси ҳам шу. Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, уларни суд қарорисиз ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум этиш ёки қисман бўлсинда чеклашга ҳеч ким ҳақли эмас. Айни пайтда фуқаролар ўзларининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш жараёнида давлат ва жамият манфаатларига путур етказувчи ҳар қандай ҳаракатлардан тийилишлари, бошқа фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига зарар етказмасликлари керак.

Шундай экан, мутасадди маҳкамалар фуқароларнинг ҳар қандай ҳуқуқларини қонунларимизга асосланган ҳолда ўз ваколатлари доирасида ҳимоя қилишлари зарур. Мамлакатимизда демократия умуминсоний тамойиллар мажмуасидан иборат ва инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Жамиятнинг бу олий мақсади Конституциямизда мустаҳкамланган.

Конституциямизда ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқларини, эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний ҳужжатлари, хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланган.

Йўлбошчимиз Ислом Каримов Олий Мажлис сессиясидаги маърузаларида суд фақатгина жазоловчи орган сифатида танилмасдан, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилувчи ҳақиқий мустақил органга айланиши, судга ҳамма ҳурмат билан қараши лозимлигини таъкидладилар.

Фуқаролар қайси масалани ўзи ишлаб турган корхона ёки хўжалик раҳбари, туман, вилоят ҳокими ёки ҳуқуқни ҳимоя қилиш идоралари, судлар эътиборига ҳавола қилишлари лозимлигини билишлари керак. Акс ҳолда ўзларини ҳам, бошқаларни ҳам беҳуда ташвишу оворагарчиликка рўпара қилиб қўядилар.

Вилоят адлия бошқармаси ҳуқуқий маърифат-тарғиботи Марказининг вилоят минтақавий бўлими ва маҳаллий ҳокимликлар томонидан фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш мақсадида шаҳар ва туманларда ўтказилган «Маҳалла кунлари»да мутахассисларимиз фаол иштирок қилдилар. Юқорида таъкидланган ниятимизни амалга оширишда ана шу анжуманлардан фойдаландик. Бу йилларда Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуни оммага батафсил тушунтириб берилди. Мулоқот ва мунозараларда саволлар ва ҳатто баҳсталаб масалаларга ҳам кенг ўрин ажратилди.

«Маҳалла кунлари»да шаҳар, туман ҳокимлари ўринбосарлари, ўзини-ўзи бошқариш маҳкамалари, оқсоқоллар, идоралар, ташкилотлар, хўжаликларнинг раҳбарларига ҳам бу масалада яхшигина сабоқ берилди. Айни пайтда улар ўзларини қизиқтирган кўпгина саволларга ҳам жавоб олдилар. Ўтказилган тадбирлар энди ўз самарасини бераяпти. Фуқаролар билан идора ва ташкилотлар, кўни-қўшнилар ўртасидаги турли можароларни камайтириш имконлари очилояпти. Маҳалларда ташкил қилинган «Яраштирув комиссия»лари ҳам фаоллик кўрсатяптилар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи маҳкамаларга яқиндан ёрдам бераяптилар.

Бироқ турли норозиликлар ифода этилган шикоят ва аризаларни бартараф этиш учун бу ҳали етарли эмас. Қонунчиликнинг бузилиши юзасидан тушаётган шикоят ва аризалар сони анча кўп. Вилоят адлия бошқармасида кўриб чиқилган шикоят ва аризалар таҳлилига қараганда, уларнинг 27,6 фоизи тўлалигича асосли, 38,8 фоизи қисман асослидир. Бу ҳолат эса шаҳар ва туман судларида фуқароларнинг шикоят ва аризаларини кўриб чиқишда қонун бузилишларига йўл қўйилаётганлигидан далолат беради.

Қонун бузилишлари асосан суд қарорлари баъзи ҳолларда ўта қониқарсиз ижро этилаётгани оқибатида рўй бераётганлигини алоҳида таъкидламоқ зарур. Бу айни пайтда суд ва уларнинг қарорлари обрўси тушиб кетишининг ҳам асосий сабабчисидир.

Қонунчиликнинг бузилиши юзасидан шикоят ва аризаларни кўриб чиқиш гуруҳимиз ўтган йили вилоят адлия бошқармасига тушган шикоят ва аризаларни умумлаштириб, уларнинг келиб чиқиши сабабларини аниқлади. Таҳлилларимиз натижаси адлия бошқармаси ва вилоят судининг кенгайтирилган қўшма ҳайъат йиғилишида кўриб чиқилди. Унда вилоят ҳокимлиги, Республика Адлия вазирлиги ва Олий суди масъул ходимлари иштирок этдилар. Камчилик ва нуқсонлар юз-хотир қилинмасдан бетга айтилди. Ижро масалалари бўйича айрим ходимларга жазо чоралари ҳам кўрилди. Инсон дарди ва ташвишига ҳозиржавоб муносабатда бўлиш, турли эътироз ва шикоятбозликларни камайтириш юзасидан таъсирчан чоралар белгиланди. Ҳозир уни амалга ошириш бўйича саъй-ҳаракатлар давом этяпти. Мамлакатимизда кечаётган демократик жараёнлар қатъий ҳаракатни, фаоллик ва жонкуярликни талаб этади. Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш борасида бошлаб юборилган кенг қамровли ишлар эса ҳар биримизнинг зиммамизга қўшимча масъулият ва мажбуриятлар юкламоқда.

Ислоҳот - инқилобий ўзгариш, янгиланиш, покланиш, тозаланиш дегани. Бу жараёнда талаблар даражасида ишлашни удда қилмаганлар табиий равишда «четга суриладилар». Биз тизим ходимлари ўз-ўзимизга савол бермоғимиз даркор: эшик қоқаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари ва қонунлар устуворлиги аёмида замон талабларига монанд меҳнат қилишга, халқимиз ва давлатимиз манфаатларини муносиб муҳофаза қилишга шаймизми? Ақлимиз, билимимиз, тажрибамиз, малака ва маҳоратимиз янгичасига ишлаш учун етарлими?

Бу саволларни ҳуқуқшунослар ўзларига ҳозир бермоқлари ва давр талаби, эл-юрт ишончига монанд ишлашни асосий ва олижаноб ният қилиб белгиламоқлари, фаолиятда инсон ҳуқуқлари давлат манфаатларидан устувор эканлигини дилдан ҳис этмоқлари шарт.

Қутлимурод РАҲМОНОВ,
Хоразм вилоят адлия бошқармаси бош маслаҳатчиси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист.

ИСТИҚБОЛ УЧУН МАСЪУЛМИЗ

Соғлом авлод - юрт таянчи

Мустақилликка эришганимиз халқимизнинг ўзлигини англаш ва маънавий меросининг тикланиши учун пухта замин бўлди. Мустақилликнинг биринчи қадамлариданоқ аждодларимиздан ёдгор бўлиб қолган буюк маънавиятимизни тиклашга, уни янада юксалтириш ва миллий таълим-тарбия тизимини такомиллаштиришга катта аҳамият берилмоқда. Бундан кўзланган мақсад ёшларни ҳар томонлама етук, салоҳиятли, билимдон, зукко, мустақил фикрли, Ватанимиз келажагининг муносиб ворислари қилиб тарбиялашдир.

Соғлом авлод деганда Юртбошимиз нафақат жисмонан соғлом, бақувват, балки маънавий жиҳатдан ҳам етук, ҳар томонлама камол топган шахсни назарда тутади. Бундай авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, аввало, оила ва мактабдан бошланади, қолаверса, маҳалла-кўй, таълим муассасалари ҳам бунинг учун масъулдирлар.

Баркамол авлодни тарбиялаш йўлидаги қўйилган илк қадамлардан бири «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг қабул қилиниши бўлди. Ёшларнинг билимга чанқоқлигини қондириш, уларнинг жаҳон андозаларига мос равишда таълим олишлари учун «Камолот», «Умид» жамғармалари тузилди. Таълим-тарбияга доир бир неча қонун, фармон, фармойиш ва қарорлар қабул қилинди. Буларнинг барчаси ҳукуматимиз томонидан ёшларга билдирилган юксак ишонч ва яратиб берилган имкониятларнинг далилидир.

Азалдан она халқимиз орасидан доно ва истеъдодли алломалар кўп етишиб чиққан ва улар ўзларининг ақлу заковати билан дунёни лол қолдиришган. Бизнинг вужудимизда инсоният маънавий хазинасига ўзининг улкан ҳиссасини қўшган Амир Темур, Алишер Навоий, Имом Бухорий, Ал-Хоразмий, Ал-Фарғоний, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Мирзо Улуғбек, Мирзо Бобурнинг қони жўш урмоқда. Бу фикрнинг тасдиғини юртимизнинг кўплаб иқтидорли ёшлари мисолида кўришимиз мумкин. Мустақил Ўзбекистонимизнинг буюк давлат бўлиши учун улар ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Биз учун бой илмий ва адабий мерос қолдириб кетган боболаримиз билан фахрланишимиз, уларнинг бизларга қолдирган бой маънавий меросини чуқур ўрганиб, асраб-авайлашимиз даркор. Лекин фақат ўтмишнинг ширин хотиралари билан чекланиб қолмаслигимиз даркор. Биз ёшлар, буюк аждодларимиз каби дунё халқлари олдида юксак эҳтиром ва ҳурматга эга бўлишимиз керак. Бунинг учун жаҳонга қарата ўз сўзимизни айтишимиз, эркин фикримизни билдиришимиз, ўз тафаккур ва салоҳиятимизни намоён этишимиз, буюк аждодларимизга муносиб ворислигимизни амалда ўз билимимиз, ахлоқимиз ва меҳнатимиз билан исбот қилишимиз лозим.

Ўзбекистон ёшларининг билимли, фидойи, жисмонан соғлом, маънан етук бўлиб тарбияланиши учун барча шарт-шароит яратилган. Дунёвий илмлар билан бир қаторда ҳақиқий диний билимга эга бўлиш учун имконият етарлича. Лекин тўғри йўл деб бошқаларнинг ноғорасига ўйнаб, пулга учиб, диннинг асл моҳиятини англамай ва бунинг оқибатида адашган, онги заҳарланган ёшларнинг борлиги жуда ачинарли ҳол. Улар исломнинг асл мазмун-моҳиятини англамай туриб, уни «янгиламоқчи», «покламоқчи», «асл ҳолига» қайтармоқчи бўладилар. Ислом дини фақат эзгуликка чорлайди. Ислом амалларини мукаммал бажариб, инсонларга яхшилик қилиб, уларни эзгуликка даъват этиб, ёвузлик қилишдан қайтариб, яқинларни рози қилиб ҳам Оллоҳ розилигига эришиш мумкинку!

Бировларнинг айби билан, қолаверса, ўзининг иродасизлиги ва ғўрлиги туфайли тўғри йўлдан адашган ёшларга қарата мен шундай дейман:

жаҳолат йўлидан қайтинг! Билим олинг, ҳалол меҳнат қилиб, ота-онангизни рози қилинг, уларнинг оқ фотиҳасини олинг. Ватанни севинг, унинг равнақи учун хизмат қилинг! Ўтаётган ҳар бир кун учун Оллоҳга шукроналар айтинг.

Диний билимга эгаман деб, дунёвий билимни унутманг ва аксинча, дунёвий билимга эга бўлиб, ҳақиқий диний билимдан ҳам бохабар бўлинг.

Иншооллоҳ, биз шу Ватанимиз ворисларимиз. Биз Ватанимиз равнақи, истиқболи учун масъулдирмиз. Соғлом, мустақил фикрлаб, жисмонан ва маънан баркамол, билимли бўлиб етишайлик. Куч-ғайратимиз ва шижоатимизни она юртимиз камоли учун сарфлайлик. Она халқимиз ва Президентимизнинг бизга билдирган ишончини оқлайлик!

Лола ДЎСМЕТОВА,
Тошкент юридик коллежи талабаси.

«Келажак авлод ҳақида қайғуриш, соғлом, баркамол инсонни тарбиялаб етиштиришга интилиш бизнинг миллий хусусиятимиздир».

Ислом КАРИМОВ



Прокурор назорати

ҚИШ ҒАМИНИ ЁЗДА ЕМАГАНЛАР

Кейинги йилларда республикамизда дон экинлари экишга эътибор анча кучайди. Бу қувончли, албатта. Чунки дон, ғалла бу - дастурхонимиз тўкин-сочинлигини таъминловчи, безовчи хилма-хил ва лаззатли неъмат демак.

Аммо очиқ айтиш лозимки, кўпгина хўжаликлар шу асосда самарали ишлар олиб бораётган бўлсалар-да, айрим хўжаликлар раҳбарлари бу ишга ҳамон иккинчи даражали вазифа сифатида қараб келаётганлиги ачинарли. Баъзи жамоалар экилаётган дон уруғларининг нави ва сифати билан дуруст қизиқмайдилар, айрим хўжаликларда эса текис униб чиқиб, яхши бўй тортаётган экинлар парвариши, уларни асраб-авайлаш ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Натижада экинлар сувсизликдан қуриб, қовжираб қолади ёки чорва моллари томонидан пайҳон қилиб ташланади. Бундай ҳоллар кейинги йилларда тез-тез кўзга ташланмоқда.

Бунинг сабаби нимада? Кузатувларга қараганда, хонадонлар ва жамоа хўжаликлари чорва моллари учун вақтида етарли миқдорда ем-хашак тайёрланмайди. Натижада қиш ва баҳор кезлари молларга озуқа етишмай, мол эгалари жониворларни далага ҳайдашга мажбур бўладилар. Бу эса ўз навбатида юзлаб гектар экин майдонлари чорва моллари оёғи остида пайҳон бўлишига сабаб бўлади.

Бешариқ тумани прокуратураси ходимлари тегишли идоралар билан ҳамкорликда текширув ва кузатувлар уюштириб, бу соҳадаги қонунбузарликларнинг олдини олишга ҳаракат қилаяптилар. Шундай текширишлардан бири яқинда тумандаги Бешариқ ширкатлар уюшмасида бўлиб ўтди.

«МУҲИМИ — СОН ЭМАС, САМАРА»

Солиқ тизими

дейди Қашқадарё вилоят Давлат солиқ бошқармаси бўлим бошлиғи Илҳом ДАВРОНОВ

- Кейинги пайтларда текширувчи ва назорат қилувчи органлар шаънига салбий фикрлар билдирилаётгани сир эмас. Аввало текширишлар сони ошиб кетаётганлиги, бу эса ишлаб чиқаришга, нохуш ҳолатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлаётганлиги очиқ эътироф этилмоқда...

- Сизга айтсам, ҳар бир текширишдан кўзда тутилган аниқ мақсад бўлиши шарт. У қачон ва қаерда ўтказилмасин, асосий мақсад биринчи навбатда камчилик ва хатоларга барҳам бериш, шу жиҳатдан корхона ҳамда ташкилотларга кўмаклашиш, уларнинг хўжалик ва молиявий аҳволини яхшилашга қаратилмоғи лозим. Улар ишлаб чиқаришга мутлақо салбий таъсир ўтказмаслиги, аксинча, ривожланишнинг фойдаланилмаётган қирраларини излаши зарур.

Ҳеч иккиланмасдан шуни эътироф этиш лозимки, Республика Президентининг 1998 йил 19 ноябрдаги «Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида»ги Фармонидан сўнг бу соҳада сезиларли ўзгаришлар рўй берди. Вилоят ҳудудий комиссияси таклифига мувофиқ 1998 йилда Республика Кенгаши томонидан 30318 та хўжалик субъектларида текширишлар режалаштирилган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 10820 тага камайди. Бу йил эса текширишлар сонини янада камайтириш, аксинча, уларнинг сифатига, самарадорлигига эришиш тадбирлари кўрилаяпти.

Фармон чиққандан сўнг хўжалик юритувчи субъектларда республика назорат органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш Кенгашининг рухсатисиз бўладиган текширишларга умуман чек қўйилди. Яна бир ўзгариш шундан иборатки, назорат тартибида текшириш учун белгиланган объектнинг аниқ номи, жойлашган манзили, СТИР рақами ва мўлжал қилинадиган ой аниқ кўрсатилгандан кейингина унга рухсат этилади.

- Илгарилари қайта-қайта текширишларга йўл қўйилганлиги ва ачинарлиси улар олти ойлаб, ҳатто йиллаб чўзилиб кетганлигига гувоҳ бўлганмиз. Оқибатда масъул шахслар қайта-қайта тушунтириш хатлари ёзиб, неча-неча соатлаб ишлаб чиқаришда қатнашмаслигига тўғри келган.

- Ҳа, илгарилари шундай ҳоллар бўлган. Айни вақтда бундай текширишларга тамоман чек қўйилди ва улар ҳар қандай шароитда ҳам ўттиз кундан ошмайди.

- Узр, гапингизни бўлдим, Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида қилган маърузаларида таъмагирлик, порахўрлик, қўрқитиш, зўравонлик ташаббускорликнинг сўнишига сабаб бўлаётганлигини очиқ равшан таъкидладилар. Вилоятда ана шундай ҳолатлар учрайдими ва агар бўлса, бунинг асосий сабаби нимада?

- Республика Кенгаши томонидан тасдиқланган режага асосан назорат органларининг бир вақтнинг ўзида, белгиланган муддатда комплекс текшириш ўтказиши режалаштириб қўйилди. Лекин гуруч курмаксиз бўлмаганидек, айрим назорат органларининг фармон талабларига тўла риоя этмаётгани ҳоллари онда-сонда бўлса ҳам учраб турибди. Ўтган йил мобайнида «Қарши нон» ишлаб чиқариш очиқ ҳиссадорлик жамиятида СЭС органлари томонидан 4 марта текшириш ўтказилган. Давлат стандартлаш ҳамда ёнғиндан назорат қилиш ташкилотлари ҳам вилоят ҳудудий комиссияси томонидан рухсат олмасдан назорат тартибида текшириш ўтказганлар.

Ҳақиқатан ҳам Президентимиз Фарғона, Самарқанд, Тошкент, Жиззах, Сирдарё вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида солиқ ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари шаънига доғ тушираётган нопок, худбин, ғаразгўй кимсалар учраб турганлигини афсус билан тилга олдилар. Биз бундан ҳушёр тортмоғимиз керак. Чунки бизнинг фаолиятимизда ҳам ана шундай нопок кишилар учрамаслигига ҳеч ким кафолат бера олмайди.

- Республикада ҳам, вилоятда ҳам «Ишонч» телефонлари ишлаб турибди. Ана шу телефонлар орқали олинган хабар, маълумотларга қандай муносабатда бўлинаётир?

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда вилоят ҳокимлиги «Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши ҳузурида текширилаётган хўжалик юритувчи субъектлар шикоятларини қабул қилиш гуруҳини ташкил этиш тўғрисида» қарор қабул қилганлар. Корхона ва ташкилот раҳбарлари режалаштирилмаган текширишлар содир этилгудек бўлса, бизга хабар беришлари лозим ва дарҳол бундай ҳолатларнинг олди олинади.

Ўтган давр мобайнида вилоят ҳокимлиги қошидаги «Ишонч» телефонига 9 та ариза келиб тушди. Улар ўз вақтида ўрганиб чиқилиб, қонунсиз текширишларга йўл қўйилмади ҳамда айбдорларга тегишли жазо кўрилди.

Вилоят назорат органлари текширишларни камайтириш ва аксинча уларнинг самарадорлигига эришиш тадбирларини кўраётирлар. Хўжалик субъектларини текшириш Республика Кенгаши бизнинг таклифларимизни ҳисобга олиб, солиқ органлари томонидан ўтказиладиган текширишларни 963 тага, молия, банк ташкилотлари ўтказадиган текширишларни 1175 тага камайтирди. Республика Кенгаши томонидан тасдиқланган режа вилоятдаги 29 назорат органига тарқатилди ҳамда улар томонидан унинг махфий сақланиши ва текширишларнинг доимо комплекс тарзида ўтказилиши қатъий белгилаб қўйилди.

Кўриниб турибдики, кўрилаётган чора-тадбирлар ўзининг дастлабки натижаларини бераяпти. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштириш муҳим вазифа экан, асосий эътиборни бу борада муҳим аҳамият касб этадиган текшириш ҳамда тафтишлар самарадорлигига қаратамиз.

Суҳбатдош:
Қ.ЭГАМБЕРДИЕВ

ФОТОАЙБНОМА

ҚЎЙБОҚАРЛАР «ШЎХЛИГИ» ҚИММАТГА ТУШМАСИН

Ушбу суратдаги хунук манзара эҳтимол, мамлакатимизнинг темир йўл ўтган бошқа ҳудудларида ҳам мавжуддир. Аммо Сурхондарё вилоятининг Қумқўрғон туманида яшовчи ҳамюртларимиз ўзларига таниш бу «яйлов» «Қумқўрғон-Элбаён» станциялари оралиғи эканлигини яхши биладилар. Сўнгги йилларда муайян бир йўналишда кетаётган йўловчи поездларининг вагонларига тош отилаётгани ҳам, дераза ойналари синиши ва «ўйинқароқ, шўх» болалар отган тошлардан фуқароларнинг жиддий жароҳатланганликлари ҳам бор гап. Афсуски, поездларга тош отиш ҳоллари ҳали-ҳануз учраб турибди. Ота-оналари темир йўл бўйларида мол боқтириб қўйган «шўх» чўпончаларнинг дастидан вагон деразаларининг ташқариси темир панжаралар билан иҳота этилмоқда.

Сиз суратда кўриб турган бу манзара эса кўпчилигимизга «кўзингни чиқмасдан кўри» деган аччиқ мақолни эслатади. Шу тобда тезюрар поезд келиб қолса, шпаллараро хаёл суриб турган чўпон бола қочиб қолишга улгурармикин? Хўш, улар нимани кутиб туришибди? Агар поезд ўтиб қолса, «етиб қолгунча тош отиб қолиш»ними ёки... Умуман, қумқўрғонлик мутасаддиларнинг темир йўл ёқасида қўй ўтлатиб юрган болаларнинг қаровсиз қолаётганлигидан хабарлари бормикин?

Бобоқул АБДУРАСУЛОВ,
жамоатчи фотомухбиримиз.

БОЗОР ЮЛҒИЧЛАР МАКОНИГА АЙЛАНМАСИН

Нарх-навога ким қарайди?
Олибсотарлар ҳурматда-ю, деҳқон хизматдами?
Тарози - худо рози.
Сегментацияга риоя қилинаяптими?
Дивидент «туғмаган» акциялар.
Раҳбарлик — лавозим, мансаб эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бозорлар фаолиятини ташкил этишни ва аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг «Бозорларнинг фаолиятини ва уларни бошқаришни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилингандан буён бозорлар ҳақиқий бозор қиёфасига кириб, ўз вазифасини бажараяпти, десак муболаға бўлмайди. Эндиликда бозорда арзончилик, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, бозор инфраструктурасини яратиш, санитария-гигиена қонун-қоидаларига риоя қилиш талаблари биринчи ўринга чиқаётир. Хўш, айни шу талаблар нуқтаи назаридан қарасак, Бухоро шаҳар Ф.Хўжаев туманида фаолият кўрсатиб келаётган «Сомоний» ва «Карвон-Бозор» деҳқон ва тижорат бозорларида аҳвол қандай? Улар аҳолининг ҳозирги иқтисодий шароитдаги талабларига жавоб берадими, сотувчилар учун шарт-шароит муҳайёми, тошу тарозидан тортиб, бошқа хизмат кўрсатиш соҳалари тўғри йўлга қўйилганми? Бозор тушумлари устидан назоратнинг аҳволи қандай? Сир эмас, Бухоро бозорларида нарх-наво вилоятнинг, ҳатто республиканинг бошқа бозорларига қараганда арзон. Лекин бу масаланинг бир томони, уни янада арзонлаштириш имконияти борми? Бор! Бозор маъмурияти, ходимлари, паттачилар ўз хизмат вазифаларини тўғри бажаришса, киссага эмас, кассага, деган ақида билан иш кўришса, назорат идоралари хўжакўрсин учун эмас, ҳақиқий тартиб-интизом учун бир ёқадан бош чиқариб хизмат қилсалар, бу муаммо ечилмасдан қолмайди. Аммо ҳозирги кунда «Сомоний» деҳқон бозорида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан савдо қилувчи деҳқонни ахтарсангиз аранг топасиз, олибсотарларнинг ошиғи олчи. Тўғри, кейинги вақтларда вилоят ва шаҳар ҳокимликларининг саъй-ҳаракатлари натижасида «Сомоний» деҳқон бозори ҳиссадорлик жамияти қайта таъмирланиб, сотувчи ва фуқароларга анча қулайликлар яратилди. Лекин шу яратилган имкониятлардан тўғри фойдаланилаяптими?

Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган «Бозорлардан фойдаланишдан тушадиган даромадларни шакллантириш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низом»га биноан бу бозор маъмурияти савдо қилувчилар учун қулай шароитлар яратиб беришлари, уларни тош-тарозилар, халатлар билан таъминлаб туришлари лозим бўлгани ҳолда савдо қилувчи фуқаролар, деҳқон-фермер хўжаликларига бундай хизмат кўрсатилаяпти, деб бўлмайди. «Сомоний» деҳқон бозори ҳиссадорлик жамиятида (раис С.Ҳикматов) хизмат кўрсатиш ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Бозор маъмурияти ихтиёрида 232 та тарози бор, шунинг 132 тасининг палласи йўқ, қолганлари ҳам давлат андозаларига тўғри келмайди. Боз устига бозор маъмурияти шаҳардаги «Асбар» фирмасидан 1 млн. 216 минг сўмга бузуқ тарозиларни сотиб олган. Шунинг учун ҳам сотувчилар атиги 25-30 та тарозидан фойдаланиб келишаётирки, бу тушумларни кўпайтиришга салбий таъсир этмоқда. Айрим сотувчилар эса давлат андозаларига тўғри келмайдиган ҳар хил қўл тарозилардан фойдаланиб, фуқароларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётир. Бироқ бозор маъмурияти, қолаверса, вилоят стандартлаш ва сертификациялаш маркази раҳбарлари (бошлиғи Маматов Р.) ҳам бу ҳолатларга «томошабин» бўлиб қолишаётганини қандай изоҳлаш мумкин?

> **«Фақат уюшган бозоргина бугунги кунда халқнинг ижодий ва меҳнат имкониятларини очиб бера олади, боқимандаликка хотима беради, ташаббускорлик ва ишбилармонликни ривожлантира олади, рағбатлантиришни ва йўқотилган хўжайинлик туйғусини қайта тиклайди».**
> **Ислом КАРИМОВ**

«Сомоний» деҳқон бозори ва «Карвон-Бозор» (раиси Х.Акрамов) буюм бозори ҳиссадорлик жамиятлари маъмуриятлари билан гаплашсангиз, хизмат кўрсатишни яхшилаш чорасини кўраяпмиз, деган гапдан нарига ўтишмаяпти, бироқ пул «йўқ»лигини баҳона қилишади. «Юлғич паттачилар» эса бамайлихотир патта тушумларини иккига бўлиб ётишибди. Биргина мисол, мавжуд (ерларда ўтириб савдо қиладиган фуқароларни ҳисобга олмаганда) махсус жойлардан йиғиладиган патта тушумлари, айтайлик, якшанба ва пайшанба кунлари 180-200 минг сўмни ташкил қилиши лозим бўлгани ҳолда йиғилаётган йиғимлар деҳқон бозорида 75-85 минг сўмни, буюм бозорида эса 80-100 минг сўм ўрнига 35-40 минг сўмни ташкил этиши ҳеч кимни ташвишга солмаётгани ажабланарли. Ахир, бу «юлғичларга» нисбатан тегишли чора кўриш вилоят солиқ бошқармаси (бошлиғи К.Саломов) идоралари зиммасига юклатилганини билмайдилар, деб ўйлайсизми? Тўғри, кейинги йилларда ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилиб, бу бозорларда касса аппаратлари ўрнатилиши, назоратнинг кучайтирилгани боис тушумлар 1996 йилга нисбатан 2-3 маротабага кўпайган. Лекин ишга солинмаган тадбирлар тўғри қўлланилиб, назорат остига олинса, бу бозорлардан тушадиган тушумларни 4-5 млн. сўмга етказиш мумкинлиги аён-ку!

Янгидан ишга туширилган «Карвон-Бозор» буюм бозори ҳиссадорлик жамияти ҳудудида савдо қилиш учун 800 та жой мавжуд. Бу жойлар тўлиқ эгалланган тақдирда тушумлар бир кунда 800 минг сўмни ташкил қилиши лозим. Бироқ ҳозир иш кунлари бу тушумлар 2000 сўмдан 5000 сўмгача, пайшанба ва якшанба кунлари эса 100-200 минг сўмдан ошмаётир. Шундай ҳолатни «Сомоний» деҳқон бозори ҳиссадорлик жамиятида ҳам кўриш мумкин. 2000 йилнинг феврал ойи бўйича «Карвон-Бозор» маъмурияти томонидан 500 та ўрин ҳисобидан тижоратчилардан 1 млн. 500 минг сўм тушумлар олинмасдан қолингани шаҳар молия бўлимидаги мутасаддиларга аёнмикан?!

«Сомоний» деҳқон бозори ҳудудида 246 та савдо дўконлари мавжуд бўлиб, улар бозор маъмуриятига ижара ҳақларини ўз вақтида тўлаб туриши лозим. Бозор маъмуриятининг масъулиятсизлиги оқибатида 1999 йили бу давлат ва нодавлат савдо дўконлари эгаларининг 147 таси билан шартнома тузилган, қолган 99 таси билан умуман шартномалар тузилмасдан, улардан ундириб олиниши лозим бўлган 591.600 сўм ижара пуллари ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

Маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, бозорларда «ғирром» тадбиркорларнинг аксарият қисми давлат солиқ идораларидан ҳеч қандай рухсатнома олмасдан, битта патент билан 5-6 кишилаб ишлаб келишаётганликлари-ю, бозорлар атрофидаги давлат ва нодавлат савдо дўконларида назорат касса аппаратлари хўжакўрсинга қўйиб қўйилгани, санитария қоидаларига хилоф равишда «чойхона»чилар фаолияти авж олгани текширишларда аниқланаётирки, назорат идораларининг қаёққа қарашаётганига ҳайрон қоласан, киши.

«Сомоний»деҳқон бозори маъмуриятининг «Така бўлсин, сут берсин» қабилида иш кўриши натижасида бозор сегментациясига умуман риоя қилинмасдан келинмоқда: сабзи-пиёз сотиладиган жойда сут маҳсулотлари, донашўрак сотиш жойида нос ёки асал, қандолат маҳсулотлари сотиш каби ғайритабиий ҳолатлар бу бозорда одат тусини олган. Бу бозорлар маъмуриятлари ўз ҳудудларида санитария-гигиена қонун-қоидаларига риоя қилинишини таъминлаш ўрнига, «мен сенга тегмай, сен менга тегма» қабилида иш кўриб бозорда санитария қонунларини бузган фуқароларга бутунлай бепарво бўлиб келишаётир. Шаҳар санитария-эпидемиология станцияси ходимлари эса бу қоидабузарликларнинг олдини олиш бозорлар маъмуриятларига юклатилганини пеш қилиб, «томошабин» бўлиб туришмоқда. Бозорларда истеъмол қилишга яроқлилиги назорат идоралари томонидан кафолатланмаган калла-поча, пиширилган гўшт, балиқ маҳсулотларини сирлари учиб кетган тоғораларда сотилишига йўл қўйиб келинмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг «Бозорларда сифатсиз озиқ-овқат товарлари сотилишини бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг 1-бандида кўзда тутилган талабларнинг бажарилишини назорат қилиш жойлардаги органларга юклатилганидан назорат идоралари раҳбарлари бехабарга ўхшайди!

Бозорлар ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилганидан буён ўзларининг молиявий аҳволини барқарорлаштириш, моддий манфаатдорликни тўғри йўлга қўйиш, жамият эгалари ва эркин савдога чиқарилган акцияларнинг ўз вақтида сотилишини таъминлаб, бу акцияларга вақтида дивидентлар тўлаб бориш ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйилган. «Сомоний» деҳқон бозори ҳиссадорлик жамиятида 1996 йили чиқарилган, ҳар бирининг номинал қиймати 1000 сўм бўлган акцияларнинг 794 таси жамоа аъзоларига сотилган. Хўш, бу акцияларга дивидентлар ўз вақтида берилганми? 1996, 1997 ва 1998 йиллар мобайнида ва 1999 йилнинг 1 ярим йиллиги натижалари бўйича бу акция эгаларига бир сўм ҳам дивидент тўланмаган. Ҳозирги кунда эркин савдога қўйилган 1864 та қиймати 1 млн. 864 минг сўм бўлган акциялар сотилмасдан қолган. Худди шундай ҳол «Карвон-Бозор» ҳиссадорлик жамиятида ҳам мавжуд. Бу ерда ҳар бирининг номинал қиймати 2000 сўмдан бўлган 24 млн. сўмлик акциялар сотилмасдан келинган. Моддий манфаатдорлик тўғри йўлга қўйилмаса, мулк ҳақиқий эгасини топмаса, дивидентлар ўз вақтида берилиб турилмаса, бозор раҳбарлари нима иш билан шуғулланишиб юришибди, деган савол туғилиши тайин.

Хулоса шуки, бозорларда тартиб ўрнатиш, нарх-наво сиёсатига амал қилишни тўғри йўлга қўйиш, деҳқон бозорларида олиб-сотарларга қарши кураш, аҳолига қулай хизмат кўрсатиш борасида уларга шарт-шароитлар яратиб бериш, тош-тарозилар билан таъминлаш, «юлғич паттачилар»дан халос бўлиш, бозор сегментациясига риоя қилиш, назорат идоралари ходимлари ўзларига юклатилган вазифаларни аниқ бажарилишини таъминлашлари шу куннинг қатъий талаби бўлиш лозим. Юртбошимиз таъкидлаб айтганларидек, «Раҳбарлик — лавозим, мансаб эмас, аввало одамларга хизмат қилиш масъулияти» эканлигини барча тўғри тушуниб олмоғи зарур. Раҳбар деганини ҳаммадан кўпроқ ишлаб, фуқаролар саодати ва юрти равнақи учун елиб-югурадиган фидойи инсон бўлиши керак. Ўзининг хатти-ҳаракати билан ҳукумат шаънига доғ туширадиган раҳбарлар орамизда бўлмаслиги керак».

Фурқат МАҲМУДОВ,
Бухоро шаҳар Ф.Хўжаев туман прокурори, адлия маслаҳатчиси.

Фаровонлик масканларида

ТУРМУШГА БОЗОР БАҲО БЕРАДИ

Турмуш қанақа бўлишидан қатъий назар халқ фаровонлиги, турмуш тарзи бозорларда ўз аксини топади. Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтилаётган бир пайтда деҳқон бозорларига ҳам хўжалик юритишда янгича талаблар қўйилмоқда. Аслида бу талабларнинг моҳияти ўзгаргани йўқ. Мақсад эса ҳалоллик, ростгўйлик, инсоф билан истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини қондирадиган сифатли маҳсулотларни етказиб бериш; харидорлар манфаатларига зарар келтирмаслик; халққа юқори савияда хизмат кўрсатиш кабилардир.

Хўш, бу масалага жойларда маҳаллий ҳокимиятлар томонидан қандай эътибор қаратилаяпти? Бозорлар номигагина бозорми ёки аҳоли эҳтиёжларини тўлиқ қондираяптими? Ана шу ва бошқа саволларга жавоб топиш мақсадида Сирдарё вилоят прокуратураси тегишли мутахассисларни жалб этган ҳолда бир қатор текширишлар ўтказди.

Вилоятда 12 та деҳқон бозори - акциядорлик жамиятлари фаолият кўрсатаётган бўлиб, улар томонидан 85 млн. сўмга яқин 167 мингдан ошиқ акция чиқарилган. Шундан 22 млн. сўмга, 40 минг донага яқин ёки 85,9 фоизи сотилган. Жумладан, жамоа улушидан сотилган акциялар 5726,2 минг сўмлик 13711 дона ёки 86,1 фоизни ташкил этади.

Жами акцияларнинг 51 фоизи маҳаллий ҳокимиятнинг улуши бўлиб, Республика Давлат мулк қўмитасининг 1998 йил 10 ноябрдаги хатига асосан сотилмай турилибди.

Гулистон шаҳрида оламга кўз-кўз қилса арзигудек «Улгуржи бозор» акциядорлик жамияти фаолият кўрсатади. Уни бунёд этиш учун вилоят ҳокимлигининг капитал қурилиш бошқармаси ва бош пудратчи ҳисобланган 7-сонли қурилиш тресты, бошқа қурилиш ташкилотлари томонидан 493 миллион 665 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилган. Бажарилган ишларга «Улгуржи бозор» томонидан 215 миллион 500 минг сўм, маҳаллий бюджетдан 222 миллион 610 минг сўмлик маблағ ажратилган.

Мазкур қурилишда 54 та ёрдамчи пудратчи ташкилот қатнашган бўлиб, ҳозиргача ушбу ташкилотларга бажарган ишлари учун 22 миллион 545 минг сўмлик маблағ тўланмаган.

«Улгуржи бозор» 1998 йилда очилган бўлса-да, вилоят капитал қурилиш бошқармаси томонидан расман фойдаланишга топширилмаган, топшириш далолатномаси тузилмаган.

Айни вақтда Гулистон шаҳри ҳудудида Гулистон «Деҳқон бозори», «Улгуржи бозор», Ш.Рашидов туманида «Пахтаобод» деҳқон бозори, Сайхунобод туманида «Сайхун» деҳқон бозори, Оқолтин тумани «Сардоба», Ширин шаҳрида «Ширин», Гулистон туманида «Кўнчи», Сирдарё туманида «Бахт» ва «Қамаристон», Янгиер шаҳрида «Янгиер» ва «Ховос», Боёвут туманида «Боёвут», Мирзаобод туманида «Наврўз» деҳқон бозорлари фаолият кўрсатмоқда. Бозорлар тўкин, одамлар гавжум. Исталган маҳсулот топилади. Бироқ камчиликлар ҳам йўқ эмас.

Текширишларда аниқланишича, вилоятимизда фаолият кўрсатаётган 13 та бозордан «Бахт», «Оқолтин», «Соҳибкор», «Қамаристон», «Малик», «Наврўз», «Улгуржи бозор» кабилар бугунга қадар биронта хўжалик юритувчи субъектлар балансига ўтказилмасдан фаолият кўрсатишларига рухсат берилган.

Ачинарлиси шундаки, давлатнинг жиддий, салмоқли маблағи сарфланиб қурилган Мирзаобод туманидаги «Наврўз» ва Сирдарё туманидаги «Соҳибкор» бозорлари ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Шу ҳудудларда яшовчи аҳоли эса вилоят маркази - Гулистон шаҳрида бозор-ўчар қилгани келишади. Сарсонгарчиликнинг баҳоси қанча?

Шунингдек, қайд қилиб ўтилган деҳқон бозорларида 1999 йил мобайнида тузилган 184 та контрактация ҳамда 24 та фючерс шартномалари номигагина тузилган бўлиб, амалда бу шартномалар бажарилмаган. Бу нимадан далолат беради?

2000 йилда бозорларнинг тўкинсочинлигига кафолат бўладими? Нарх-наво масаласи охир-оқибат шу муаммога келиб тақалмайдими?

Деҳқон бозорларининг мутасаддилари нима ҳисобдан бозорни тўлдиришмоқчи, деган ҳақли савол ҳам туғилиши табиий.

Вилоят прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бозорлар фаолиятини ташкил этиш ва аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Бозорларда сифатсиз озиқ-овқат маҳсулотлари сотилишини бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан мансабдор ва моддий жавобгар шахсларга нисбатан 3 та жиноий, 136 та маъмурий жавобгарликка оид ишлар қўзғатилди. Қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш борасида мансабдор шахсларга 16 та тақдимнома, 10 та амрнома, келгусида қонунбузарликка йўл қўймаслик хусусида 17 та огоҳнома каби прокурорлик таъсир чоралари қўлланилди.

Гулистон шаҳар «Деҳқон бозори» акциядорлик жамияти раиси Б.Жабборов маъмурий жавобгарликка тортилгандан кейин такроран савдо қоидаларини бузиб, назорат касса аппаратини ўрнаттирмаган. Унга нисбатан Жиноят Кодексининг 189-моддаси, 1-қисми билан жиноий иш қўзғатилиб, судга оширилди. Суд томонидан унга 2 йил аҳлоқ тузатиш иши белгиланиб, ҳар ойда ойлик маошидан 20 фоизи давлат фойдасига ундириб бориладиган бўлди. Шунингдек, шу жамият қошидаги тайёрлов-савдо харид корхонаси тайёрловчиси А.Раҳмонқулов унга ишониб топширилган қарийб 100 минг сўмлик мулкни ўзлаштириб, камомад содир этган.

Айбдор жиноий жавобгарликка тортилиб, суд ҳукми билан 3 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Мазкур деҳқон бозорида жойлашган дўкон сотувчиси Д.Мирзапаров ҳам маъмурий жавобгарликка тортилгандан сўнг қонунбузарлигини давом эттирганлиги учун ушланиб, жиноий жавобгарликка тортилди ва суд томонидан 2 йил аҳлоқ тузатиш иши белгиланди.

Умуман, 1999 йилда туман ва шаҳар ҳокимлари бозорларда етарли назорат ўрнатмаганликлари аниқланиб, ушбу қонунбузарлик ҳолатларини бартараф этиш хусусида вилоят ҳокими номига тақдимнома киритишга мажбур бўлдик.

Таъкидлаш жоизки, бозорлар фаолиятига эътиборсизлик билан қаралдими, демак, халқ жабр чекади. Сохта тадбиркорларнинг ови юришади. Ахир, Президентимизнинг саъй-ҳаракатлари билан мамлакатимизда тадбиркорликка кенг йўл очиб берилди. Бундан кўзланган мақсад тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш орқали халқимиз маъмурчилигига эришиш, дастурхонларимизни тўкин қилиш, қонунсизликларга барҳам бериш эмасми? Бозорларда нарх-навони барқарор ушлаб туриш учун энг зарур омиллар шулар-ку, аслида. Бу ҳақда ҳоким қайғурмаса, бозорқўм қайғурмаса, ким қайғуради? Сир эмас, ҳали-ҳануз бозорларда рўйхатдан ўтмай фаолият кўрсатаётган «тадбиркорлар», ҳеч қандай ҳужжатсиз савдо-сотиқ билан шуғулланаётганлар, бировнинг ҳаққига хиёнат қилаётганлар, маҳсулотига «отасининг нархи»ни қўйиб пуллаётганлар йўқ эмас. Истеъмолчиларнинг ҳақ-ҳуқуқларини бузишга эса ҳеч кимнинг ваколати йўқ.

И.ШУКУРОВ,
Сирдарё вилоят прокуратураси Умумий назорат бўлими прокурори.

Қарор ва ижро

ИШ СЎЗДА ЭМАС, АМАЛДА БЎЛСИН

2000 йилнинг «Соғлом авлод йили» деб эълон қилиниши муносабати билан Хоразм вилоятида турфа хил тадбирлар ўтказилаяпти.

Вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан биргина март ойи давомида воҳада 3 та нуфузли анжуман ўтказилди. Вилоят фаоллари йиғилиши Президент Ислом Каримовнинг тиббиёт ва таълим-тарбия тизими ходимлари билан учрашуви ундаги нутқи, йўл-йўриқ ва кўрсатмаларидан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланди. Унда вилоят ҳокими И.Бобожоновнинг маърузаси тингланди.

Болаларни ҳар томонлама баркамол ўстиришга қаратилган тадбирлар «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси вилоят бўлимининг навбатдан ташқари конференциясида ҳам ишчанлик билан муҳокама этилди. Вилоят ҳокимининг муовини Б.Раҳимовнинг маърузаси эшитилди. Жамғарманинг вилоят бўлими иш якунларига доир ҳисоботи қараб чиқилди. Анжуманда жамғарманинг республика ташкилотидан ҳам масъул вакиллар иштирок этишди.

Шуниси ибратлики, хоразмликлар дастурни ва белгиланган вазифаларни амалга оширишга астойдил бел боғлаб киришдилар. «Соғлом авлод йили»нинг дастлабки ойларидаёқ вилоятда истиқболимиз эгаларининг ақлий ва жисмоний қобилиятини оширишга хизмат қилувчи қатор тиббий ва таълим-тарбия масканлари ишга туширилди. Республика соғлиқни сақлаш вазири Ф.Назировнинг сўзи билан айтганда, «Хоразм вилояти ёш авлоднинг ўзига хос тарбия базаси»га айланаяпти. Вилоятдаги мавжуд болалар шифохоналарига ўтган қисқа фурсат мобайнида 40 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди, яқин фурсат ичида яна 50 миллион сўмлик тиббий мадад уюштирилиши кўзда тутилаяпти. Хазорасп, Боғот ва Янгиариқ туманларида болаларга махсус дастур асосида жисмоний ва ақлий баркамолликдан сабоқ берувчи синфлар вужудга келтирилди. Бошланғич синфларда таҳсил кўраётган ана шу ўқувчилар мамлакатимизда ва жаҳонда кечаётган турли ижтимоий-сиёсий жараёнларни зукколик билан баҳолаш қобилиятини намойиш этишаяпти.

Аммо интилган ва ишлаганларга эришилган ютуқлар барибир камдек туюлаверади. Шу жиҳатдан олганда вилоят ҳокими И.Бобожонов ҳоким ўринбосари Б.Раҳимовларнинг танқидий фикр-мулоҳазаларида жон бор: вилоят бўйича 364 минг нафар ўқувчи таҳсил кўраётган мактабларнинг спорт заллари ва майдончалари қаровсиз аҳволга солинган, боғча ёшидаги 200 минг нафар кичкинтойнинг атиги 18 фоизи мактабгача тарбия муассасаларига жалб этилган. Ногирон болаларнинг 1800 нафари ота-она тарбиясида. Оила шароитида тарбияланаётган бу фарзандларнинг ҳам 400 нафари Урганч шаҳрида истиқомат қилаётган бўлса, уларнинг атиги 10 нафарigина ихтисослаштирилган тиббий-тарбиявий масканларга тортилган. Бу эса ўта қониқарсиз ҳолдир. Мактабларни тугаллаётган ёшларни ўқиш ва касб-ҳунар кучоғига йўллаш соҳасидаги ишлар билан ҳам мақтаниб бўлмайди.

Камчилик ва нуқсонларнинг тилга олингани маъқул. Башарти бу ҳақда бонг урилар экан, демакки, ҳукм сураётган вазият раҳбарлар ва оддий фуқароларни ташвишга солиб, амалий ишларга ундаяпти. Муаммони бартараф этишнинг ибратли жиҳати ҳам шу. Қилинажак ишлар натижасини эса табиийки вақт кўрсатади.

Абдулла СОБИРОВ,
«Инсон ва қонун» мухбири.

«БУ ДАРГОҲДАН ҲЕЧ КИМ НОРИЗО БЎЛИБ КЕТМАСИН...»

Сурхондарё вилоят суди раисининг ўринбосари Хўжамурод ТОҒАЕВ билан суҳбат

- Хўжамурод ака, қизиқиб суд жараёнларида иштирок этдим. Улардан баъзилари ҳатто йиллаб ниҳоясига етмаган...

- Саволингизни тушундим. Суд жараёнларининг баъзи ҳолларда чўзилиб кетаётганлиги рост. Бунинг сабаблари ҳам турлича. Энг асосийларидан бири малакали, маҳоратли ҳуқуқшуносларнинг тақчиллигидир деб ҳисоблайман...

- Нега?..

- Негалигини бир жумладаёқ тушунтириб, изоҳлаб бериш қийин, албатта. Баъзан гумонланувчини ҳибсга олиш шошма-шошарлик билан амалга оширилган бўлади. Баъзида иш қайта терговга юборилади. Айрим ҳолларда суднинг ҳукми ёки қарорига прокуратура протест келтириши мумкин. Айрим ҳудудларда жиноятчилик ўсиб бораётганлиги ҳам факт. Судлар томонидан кўрилаётган жиноий ишлар сони ҳам шунга яраша кўпаяди. Бундай масъулият саноқли судьяларнинг зиммасига юклангaнлигига эътибор қилсак... Хуллас, айни чоғда ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ҳамда жамоатчилик фаоллари имкон қадар ҳуқуқий-маърифий тарғибот ишларини кўпроқ олиб бориши нечоғли зарур эканлигини алоҳида таъкидламоқ жоиз...

- Ўтган йилнинг сарҳисобидан қаноатландингизми?

- 1999 йилда вилоятимиз судлари томонидан кўрилган ишлар 1998 йилда қилинган ишлар кўламидан юқори. Аммо биласизми, «жиноят ишларини бурноғи йилдагига нисбатан кўп кўриб чиқдик» дея гапириб, мақтаниш ўнғайсиз. Баъзи пайтлар жиноятчиликнинг ўсиб кетишида жойлардаги раҳбарларнинг ҳам «маънавий ҳиссаси» бормикин деган ўйга борасан. Айрим ҳолларда биринчи бор судланаётган ёшларга синчиклаб назар солсангиз, ўша ҳудудларда ишлаш учун на бирор корхона, на бирор арзирли иншоот борки, ёшлар учун иш ўринлари топилса. Қолаверса, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиши учун шарт-шароитлар яратиб бериш ҳам эътиборда деб бўлмайди. Ана шу «бўшлиқ»лар ўрнига афсуски, баъзан «Ҳизбут-таҳрир», «Ҳизбуллоҳ», «Ваҳҳобийчилик» каби фирқа ва оқимлар таъсири суқилиб кирмоқда. Улар ёшларни «зериктириб» қўймасликнинг сохта фирибини олишган. Тунда кишиларнинг ҳовлиларига тарқатиш учун турли-туман ғояси бузуқ варақалар ҳам, борингки, «жасурликни мустаҳкамлайдиган» гиёҳвандлик моддалари ҳам мавжуд.

Хуллас, баъзи жойлардаги ана шундай лоқайдлик, турғунлик, бепарволик муҳитидан қора ниятли ғаламислар, ватанфурушлар фойдаланаяпти, десак хато бўлмайди. Ана шундай газандалар шундоққина ён-веримизда ўсиб-улғайиб, умргузаронлик қилган ҳамюртларимиздир. Абдуғани Ёқубовнинг исм-шарифини эндиликда кўпчилик нафрат билан тилга олаяпти. У қамоққа олингунга қадар Бойсун туманининг Тангимуш қишлоғида яшаган. 1998 йилнинг ноябр ойидан бошлаб, «Ҳизбут-таҳрир» норасмий партиясининг Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд ва Навоий вилоятларида «Мусоид» сифатида фаолият кўрсатган Абдулҳамид Бекмуродов билан биргаликда воҳамизнинг Бойсун, Олтинсой ва Қумқўрғон туманларида мазкур оқимнинг конституциявий тузумимизга қарши ғояларини тарғиб қилиб келган. Абдуғани Ёқубов Абдуҳамиднинг уйида «Ҳизбут-таҳрир» қасамини ичиб, олтинсойлик Қурбонали Қўчқоров, Абдужалил Мамаюсупов, Абдукарим Аҳмедов, Аҳмад Юсупов ҳамда Абдурасул Йўлдошевларни ўз «давра»ларига тортишади.

Булар қора ниятли «Ҳизбут-таҳрир»чиларнинг «1-халқа»си сифатида ҳаракат қилишса, қумқўрғонлик А.Шерназаров, Э.Маматмўминов ва А.Холтўраевлар «2-халқа» тарзида фаолият олиб боришади. Бундай ғаламисларни аниқлаш, қора қилмишларини фош этиш бугунги кунда янгилик бўлмай қолди. Юқорида номлари келтирилган кимсалар вақти-вақти билан бирбирларининг уйларига тўпланиб, янгидан қабул қилинган аъзоларнинг қасам ичиш маросимини ўтказишган. «Ҳизбут-таҳрир» норасмий партияси аъзолари сонини кўпайтириш эвазига унинг таъсир доирасини кенгайтириш пайида бўлишган. Деярли барча аъзолар «Ҳизбут-уюшма», «Демократия - куфр низоми», «Ислом низоми», «Иймон йўли» сингари адабиётлар билан таъминланганлар ва жойларда тарқатиш мақсадида ҳам кўпдан-кўп ғайриконституциявий китоблари ҳамда варақалари бўлган. Абдуғани Ёқубов ўта зийрак ва муғомбир. Вазиятга, «обҳаво»га қараб иш тутадиганлар хилидан. Унинг ҳамфикр ва ҳамтовоқлари ўтган йилнинг 16 февралида Тошкентда қўпорувчилик ҳаракатларини амалга оширишгач, қарийб уч ой писиб, бекиниб юради. Қилмишидан пушаймон бўлиб, кечирим сўраганларни юртбошимиз авф этганларидан воқиф бўлгач, гўёки «адашиб» бу йўлга кирган содда, гўл одам қиёфасида ҳуқуқни ҳимоя қилувчи идораларга мурожаат қилади. Бироқ ўзининг ва шерикларининг жиноий ҳаракатлари ҳақида ҳеч нарса демайди.

Шунингдек, Абдурасул Шерназаров, Эркин Маматмўминов, Бобораҳмат Ҳасанов деган кимсалар ҳам бир жойда - Қумқўрғон туманининг «Оққопчиғай» жамоа хўжалигида яшаб келишган. Улар ҳам А.Ёқубов сингари Ўзбекистон Республикасидаги конституциявий тузумни ағдариб ташлаб, исломий давлат қуриш ғоясини илгари сурувчи қалтис йўлга фуқароларни даъват этиш билан машғул бўлишган, «Ҳизбут-таҳрир»нинг фаол аъзолари бўлишган. Суд жараёнида жиноий ишлари яна бир карра ўз тасдиғини топди ва улар турли муддатга озодликдан маҳрум этилдилар.

Худди шунингдек, амалдаги демократик тузумга қарши ташвиқот билан шуғулланган Бурҳон Ҳоджиев томонидан содир этилган жиноятни суд шу йилнинг 21 январида кўриб чиқди. Суд жараёнида судланувчи тергов органи томонидан ўзига қўйилган айбларга қисман иқрорлик билдириб, «Ҳизбут-таҳрир» норасмий партиясининг диний экстремистик адабиётлари ва варақаларини тарқатаётганлигини тан олди. Бундан ташқари мазкур шахс бир нечта ёшларнинг ҳам онгини заҳарлаб, уларни «Ҳизбут-таҳрир»нинг манфур ғояларини тарқатишга даъват этган. Суд уни айбли деб топди ва мол-мулкини мусодара этган ҳолда беш йил муддатга озодликдан маҳрум этди...

- Хўжамурод ака, шу ўринда жамиятимизда учраётган бир иллат ҳақида тўхталсангиз... Баъзи ҳолларда бу жиноят, зиммасига кўпчиликнинг уволсавоби юкланган амалдор ёхуд ҳуқуқ-тартибот тизими ходими томонидан содир этилмоқда, чамаси?

- Давлатнинг, халқнинг ишонган одами жиноят содир этса, демак, у кимса ўзининг кўзи оч, маънавий сўқир эканлигини намоён қилган бўлади.

Шоли курмаксиз бўлмайди, деганларидек, ўтган йилги сарҳисобимизда бундай ишлар содир этилганини кўрамиз. Албатта, биз судьяларнинг асосий вазифамиз фақатгина жазолашдан иборат эмас. Суд жараёнларида холис гувоҳларнинг, адвокатлар ва бошқа иштирок этиши жоиз бўлган кишиларнинг тўлиқ қатнашувини таъминлаяпмиз. Албатта, турли хил жиноятчиликнинг олдини олиш борасида олиб борган ҳуқуқий тарғибот ишларимиз ҳам ўз самарасини бераяпти. Жумладан, жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлари туфайли судланганлар сони 1988 йилдагига нисбатан 1999 йилда улар сони 197 тага камайганлиги қайд этилди.

Хуллас, фуқароларни қонунларни ҳурмат қилиб яшашга ўргатиш ҳар биримиздан маънавий бедорлик талаб қиладиган энг мушкул ва энг шарафли ишдир.

Бахтиёр ОЛЛОМУРОД,
суҳбатлашди.

ҲУКМ АЁВСИЗ, АММО... АДОЛАТЛИ

Жиноятчига ўлим жазоси тайинлаш фавқулодда ҳодиса. Одатда одам ўлдирган қотилга ҳам бундай жазо берилавермайди. Лекин Абдуғаппор Холиқуловни тергов ҳам, суд ҳам шундай оғир жазога лойиқ, деб топди. Сабаб нима? Бу шахсни тарбиялаб, тузатиб бўлмасмиди?

1996 йилнинг 16 августи эди ўшанда. Гулистон шаҳрининг 4-мавзесидаги 37-уйда 67 ёшли Нисолат Султонова ёлғиз яшарди. Унинг қизи Гулчеҳра тижорат ишлари билан шуғулланганги учун одамлар орасида «унинг пули кўп» деган гаплар тарқалди. Бу пуллар онасининг уйида сақланади, деган тахминлар ҳам бор эди. Гапнинг қисқаси ўша 16 август куни эрталаб соат ўнлар чамаси Нисолат Султонова уйи икки номаълум шахс кўз остига олинди. Кампир иккинчи қаватдаги 21-хонадонда яшарди. Ҳалиги икки киши пастда туриб, гоҳ атрофга, гоҳ балконга кўз югуртиради. Нисолат Султонова шу балконда юриб, у-бу ишлари билан машғул эди. Бояги кишилар олазарак бўлишиб, юқорига кўтарилдилар. Уй бекаси эшик секин тақиллатилганини эшитди. У биророр таниш келгандир ёки ЖЭКдан, газми, электр тармоғими — бирор жойдан текширувчилар кирмоқчидир, деб бехос эшикни очди. Шу пайт икки киши ўқдай отилиб кириб, уларнинг бири кампирнинг томоғига пичоқ тақади, иккинчиси паст овозда ишлаб турган телевизорнинг ёнига бориб, овозни баланд қилиб қўйди.

Алҳазар!

- Пуллар қани, тилла тақинчоқлар қаерда? - сўради пичоқ тираб турган киши. Шўрлик кампир энди тушунди. Булар - босқинчилар! Додфарёд қилиб, қўшниларни чақирай деса, фойдасиз. Телевизор шовқинида унинг чинқириғини эшитишармиди. Эшитишганда ҳам бировга келиб, хабар олгунча манавилар уни ўлдириб кетишади. Бечора кампир бир зумда ана шуларни хаёлидан ўтказди. Пичоқ эса тобора томоғига ботиб, азоб берарди.

- Ҳаммасини олинглар. Фақат ўзимга тегманглар, - деди бечора дағ-дағ титраб.

Аслида бу икки шахс бу хонадонни анчадан бери нишонга олиб юрган эди. 13 августда ҳам улар шу уйга келишиб, Гулчеҳра Султоновани чақиришади ва унга тилла тақинчоқлар кўрсатишиб, шунинг эвазига 55 минг сўм пул сўрашади. Гулчеҳра пулим йўқ, деб тақинчоқларни олмагач, улар қайтиб кетадилар. Аслида бу ташриф бир айғоқчиликдек гап эди. Мақсад аниқ хонадонда мол-дунё борлигига ишонч ҳосил қилиш, кимлар яшайди-ю, кириш йўллари қандайлигини яхшироқ билиб олиш эди.

Кампир мол-дунёни эмас, ўз жонини ўйларди. У кўп ялинди. Аммо босқинчилар парво қилмадилар. Аёлни қўшни хонага судраб олиб кириб, ўлдиришга қасд қиладилар. Бири тинтув бошлаб юборади. Иккинчиси Султоновани ерга ётқизиб, кейин ўлдириш учун чўғланади. Бироқ у кампирни йиқитолмайди. Сочларидан тортиб ерга босмоқчи бўлса ҳам кучи етмайди. Аёл кекса бўлса ҳам, ҳали бақувват эканини сезган қотил шеригини ёрдамга чақиради. Иккови базўр йиқитадилар. Бири кампир туриб кетмасин, деб босиб туради. Иккинчиси пичоқ уради. Лекин пичоқ яхши ўтмайди. Шўрлик аёл бутун кучини йиғиб, босқинчиларни юмдалаб ташлайди. Бирининг оғизбурни, иккинчисининг юз-қўллари тирналади, шилинади.

Шундан кейин қутурган кимсалар кампирнинг телевизори устида турган ўткир пичоқ билан пичоқлаб Султонованинг ҳаётига сўнгги нуқтани қўядилар. Кейин босқинчи қотиллар уйни ағдартўнтар қилишиб, диван ортидан 3600 АҚШ доллари, бир миллион сўмлик тақинчоқлар, 56 минг сўм пул ва яна баъзи қимматбаҳо буюмларни олиб чиқиб кетишади. Уларни топиш қийин бўлди. Қидирув давом этди. Ниҳоят икки қотилнинг бири ҳеч қаерда ишламайдиган Абдуғаппор Холиқулов экани аниқланди. Лекин у ҳам, шериги ҳам қочиб кетганди.

Бир неча кун ўтгач, Холиқулов Самарқанд вилоятининг Ургут туманидан ушлаб келинди. Шундагина унинг шериги Сергей Грачев экани маълум бўлди. У Россияга қочиб қолганди. Ҳамон қидирувда.

Холиқулов умрида бир кун ҳам ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмаган, бир неча марта судланган. Шунинг учун тергов ҳам, суд ҳам бу ҳолатларга алоҳида эътибор берди. Суд Холиқуловнинг жиноятини кўриб чиқаётганда унинг айбини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи томонларни ҳисобга олди, албатта. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида» 1996 йил 19 июлда чиқарган 16-сонли қароридан келиб чиқиб, унинг ўз айбига тўлиқ иқрорлигини, уч нафар вояга етмаган боласи борлигини енгиллаштирувчи ҳолат деб топди. Бироқ илгари бир неча марта судланган, сўнгги жиноят чоғи бир гуруҳ шахс бўлиб, олдиндан жиноий тил бириктириб, ўзидан анча ожиз ва қари аёлнинг жонига шафқатсизларча зомин бўлган. Нисолат Султонова иккинчи гуруҳ ногирони эди. Булар жиноятни оғирлаштирувчи ҳолатлар.

Бундай фикрга келишда суд Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида» 1996 йил 20 декабрдаги 40-сонли қарорига асосланди. Шу далиллар ва қарорлар асосида Абдуғаппор Холиқуловга ўлим жазоси тайинланди.

Суд ҳукмида Гулчеҳра Султоновага етказилган моддий зарар А.Холиқуловга қарашли мол-мулкдан ундирилиши ҳам кўрсатилган. Лекин энг муҳими ҳукмда қайд этилган мана бу гаплардир: «Суд судланувчи Холиқулов илгари бир неча марта судланганини, содир этган жиноятининг ижтимоий хавфлилик даражасини, фойдали меҳнат билан шуғулланмай келганлигини, ўзидан ожиз бўлган Н.Султоновани ўта шафқатсизларча ҳаётдан маҳрум этганини, жабрланувчи Гулчеҳра Султонова ҳамда унинг қариндошларига оғир мусибат келтирганини ҳисобга олиб, бундан ташқари жабрланувчига жуда кўп миқдорда моддий зарар етказганини, зарарни қопламаганини назарда тутиб, уни бундан кейин жамиятимиз, мустақил давлатимизнинг келажаги учун ўзининг ижобий ҳиссасини қўша олмайдиган, жамиятимиз учун ўта хавфли шахс деб ҳисоблайди. Уни озодликдан маҳрум қилиш, жойларида қайта тарбиялаш билан дунёқарашини ўзгартириб бўлмаслигини эътиборга олиб, унга фавқулодда жазо чораси - ўлим жазосини лозим топди».

Суд ҳукми ниҳоятда қаттиқ, аммо адолатли.

Файзулла БОТИРОВ,
Сирдарё вилоят прокуратурасининг катта терговчиси,
Саминжон СУЛТОНОВ,
«Адолат кўзгуси» газетаси махсус мухбири.

Прокурор назорати

ҚУЛГ ҒАМГИНИ ЁЗДА ЕМАГАНЛАР

(Боши 1-бетда)

Текширишда чорва моллари парвариши, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш, ем-хашак тайёрлаш ҳамда дон экинларини пайҳон қилишга қарши курашиш ва бу соҳаларда қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши кўздан кечирилди.

Аниқланишича, ширкатлар уюшмасининг бош зоотехниги А.Абдулатипов, ферма мудири С.Давкаровлар туман ҳокимининг 114-сонли қарори билан рўйхатга олинган уюшма Низомининг 4-бандида белгиланган қоидаларини кўпол равишда бузиб, чорва моллари учун етарли ем-хашак жамғариш чорасини кўрмаганлар. Ўтган йили ёзда 3473 тонна ем-хашак ўрнига 1769 тонна, яъни кўзда тутилганидан 1704 тонна кам ем-хашак жамғарилган, холос. Уюшма чўпон-чўлиқлари хизмат вазифаларини суиистеъмол қилиб, шахсий мол, от ва қўйларини жамоа ем-хашак жамғармаси ҳисобидан боқиб келганлар. Қўйчилик фермасининг бош чўпони С.Давкаров меҳнат шартномаси талабларини кўпол равишда бузиб, ўзининг 15 бош қўй, 1 бош от, 2 бош эшагини уюшма ҳисобидан боқиб, 8400 сўм миқдорида моддий зарар етказган.

Шунингдек, уюшманинг чўпонларидан Ф.Қурбонов 19 бош, Л.Убайдуллаев 23 бош, Х.Маматқулов 17 бош, И.Тошбоев 10 бош шахсий чорва молларини боқиб, уюшмага жами 35700 сўм миқдорида моддий зарар етказганлар.

Бу ҳолатлар ўз навбатида ширкатлар уюшмасида сут ва гўшт ишлаб чиқариш режаси бажарилмаслигига сабаб бўлган. Ўтган хўжалик йилида 3 минг центнер ўрнига 2610 центнер сут олиниб, топшириқ 81 фоизга бажарилган, холос. Қорамоллар сони эса 92 бошга камайиб кетган. Бундан ташқари 35 нафар фуқаронинг шахсий чорва моллари юзлаб туп тут дарахтларига шикаст етказган. Айни пайтда хўжаликка зарар етказган бу фуқароларга нисбатан тўпланган материаллар вақтида кўриб чиқилиб, қонуний ҳал этиш учун туман судига, қишлоқ фуқаролар йиғини қошидаги маъмурий комиссияга ёки табиатни муҳофаза этиш идораларига юборилмаганлиги аниқланди. Туман прокуратураси томонидан бу ҳолатларга қарши амалий чоралар кўлланилди.

У.БЕРДИЕВ,
Бешариқ тумани прокурори,
адлия кичик маслаҳатчиси.

Умри азиз

УСТОЗЛИК — ОЛИЙ МАҚОМ

Қиш рутубати чекиниб, кўклам лашкари - турфа майса, гиёҳлар билан бошлашиб келган хушҳаво, ифорли кунларда мамлакатимиз матбуоти бизга таниқли олим - тарих фанлари доктори, профессор Ҳайдарали Узоқов ҳақида самимий ҳурмат ва эҳтиром уфуриб турган кўплаб дил изҳорларини пешкаш қилди. Офарин! Изҳорларда қайд этиб ўтилган сифатларга, домланинг шаънларига айтилган мақтовларга зиғирча эътирозимиз йўқ, албатта. Барчаси ўз ўрнида, уйқусиз ўтган тунлар заҳматига берилган холис баҳо дейиш мумкин уларни. Фақат айни куч-ғайратга тўлиб турган забардаст бир олимга дабдурустдан етмиш ёш бериш... тўғриси, андак англашилмовчилик бўлса керак, деб ўйладик. Лекин шу гап рост бўлса, унда яна бир карра қойил қолиш лозим. Бу навқирон кўриниш - ҳам ижод, ҳам ҳаётсеварлик нишонаси аслида. Тўқсон билан тўқнашиб, юз билан юзлашиб умргузаронлик қилган улуғ аждодларимизнинг қониям тортади буёғини сўрасангиз.

Шижоатда ўктам, қўл урган ишини охирига етказмай қўймайдиган Ҳайдарали Узоқовни яқиндан билганлар у кишининг тинибтинчимаслигидан доим ажабланиб юришади. Чунки ижтимоий соҳаларнинг деярли барча қиррасини ўз фаолиятида тўла қамраб олиш ҳамманинг ҳам имкониятидаги иш эмас. Игна билан қудуқ қазишга менгзаладиган касб-мураббийликни бир умр ардоқлаб келаётган домла жамоатчиликка етук тарихчи, тилшунос, журналист, ёзувчи сифатида ҳам яхши таниш. Республикамиз саҳналарида кўп марталаб намойиш этилган «Кулги кирган уйга қайғу кирмагай», «Кулгумиздан олам янграсин» деб номланган сатира-юмор эстрада томошалари ҳам Ҳайдарали аканинг ҳаммуаллифлигида ёзилганини биров билиб, биров билмаслиги мумкин. Муҳими, олим қаламига мансуб ҳар қандай қоралама, у хоҳ илмий, хоҳ танқидий, хоҳ бадиий бўлсин, албатта, ҳаёт фалсафасига йўғрилган ҳолда чуқур таҳлил ва мушоҳада этилади. У «Гиёҳвандликка қарши қандай курашмоқ керак» деган китобида дунё

ҳамжамиятини қаттиқ ташвишга солаётган «Аср вабоси» - гиёҳвандлик хусусида, уни ёшлар орасида тарқалишининг олдини олиш борасида илмий ва амалий йўл-йўриқлар беради. «Ширин сўз - жон озиғи» деб номланувчи рисолада муаллиф ширинсуханликнинг ёшлар тарбиясида тутган ўрни, сўз қудратининг беқиёс хусусиятлари ҳақида атрофлича фикр юритади.

Бугун истиқлол шарофатидан баҳраманд ватандошларимизнинг аксарияти «Мустақилликка мен нима бердим?» деган ҳаётий саволни ўз олдига кўндаланг қўйиб, қилган ва қилаётган ишларини яна бир бор саржисоб этаётган экан, бу қувончли ҳолат янгича фикрлаш ва тафаккур натижасидир. Мабодо ана шундай саволга Ҳайдарали Узоқов фаолиятидан жавоб излайдиган бўлсак, шубҳа йўқки, бу борадаги бир қатор мисоллардан кўнгил олам-олам нурга тўлади.

Ҳурриятни жон-дили билан соғиниб кутган олим мустақилликнинг илк дамларидаёқ бутун фаолияти-ни уни мустаҳкамлаш йўлига сафарбар этди. Ватанимизнинг янги тарихига оид юздан ортиқ илмий ва публицистик мақолалар ёзиб, «Тарихнинг ўқилмаган саҳифалари» рукни остида марказий газета ва журналларда чоп эттирди. Унда асримизнинг 20- ва 30-йилларида беайб қатағон қурбони бўлган миллатимиз гулларизиёлиларимиз, давлат арбобларининг фоже қисматлари архив материаллари ва шоҳидларнинг ишончли кўргазмалари асосида кенг ёритилган. Биргина ўтган йилнинг ўзида мазкур мавзуда олимнинг йигирмага яқин мақоласи эълон этилдики, уларда эрк ва озодлик қадри илмий жиҳатдан ҳалол таҳлил этилган. «Қотиллик миллат ажратмаган», «Қўшиқларда давом этган умр», «Саъдулла Қосимов ҳақида эшитганмисиз», «Шоир кутган замон келди», «Орзулар амалга ошажак» каби мақолалар шулар жумласидандир. «Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатида эълон қилиниши мутелик ва ҳуқуқсизликка чек қўйди. 20-, 30-йилларда қатағонга учраган юзлаб, минглаб шоир ва алломаларимиз тақдирларини, улар қолдирган адабий обидаларни ўрганишга имкон берди. Бу нарса ўзлигимизни англаш, қадриятларимизни тиклаш йўлида салмоқли қадам бўлди» деб ёзган эди муаллиф «Эрк йўлида эрксиз кетган фидойи» мақоласида.

Биз учун чоп этилган мақолаларни ном-баном санашдан осони йўқ. Лекин буларнинг дунёга келиши учун озмунча меҳнат, ҳужжатасровларда «шахсий иш»ларни титкилаб ўтказилган олтинга тенг қанча вақт, умр сарф бўлгани бир олимнинг ўзига-ю, бир худога аён. Қувончли жиҳати - Ҳайдарали Узоқовнинг ана шу эзгулик йўлидаги заҳматлари бугун халқимизнинг эътиборига тушди, номи ва фидойи хизматлари каттакичик давраларда эзоз ила эътироф этилди.

Олимнинг юқорида таъкидлаганимиздек, илм, ижод ва педагогика соҳасидаги салмоқли меҳнати, ибратли ҳаёт йўли матбуотда жуда кўп бор ёритилган. Бинобарин, у кишининг инсоний фазилатлари хусусида ҳам кўп ва хўп гапириш, ёзиш мумкин. Ҳайдарали аканинг устоз сифатида шогирдларига кўрсатаётган ғамхўрлиги, ёшларнинг ҳали «суяги мўрт»лигида суяб, оталарча далда бериши, айниқса, таҳсинга лойиқ. Унинг илмий-педагогик, журналистик ва жамоатчилик фаолияти давомида бевосита ёки билвосита ўнлаб фан номзоди, доктори, таниқли маданият ва санъат ходимларига, журналист, ёзувчи, шоирларга устозлик қилгани, ҳаммага бирдек хушфеъл, самимийлиги, обрўсига обрў қўшди.

Ҳайдарали ака устозлик даъво қилишни хуш кўрмайди. «Менинг вазифам имконим доирасида ёшларга маслаҳат бериб, тўғри йўл кўрсатиш, - дейди у киши. - Ахир, истеъдод ғунчасини илғаб қолиб, уни минг алвон тусда очилиб, гуллаб-яшнашига шарт-шароит яратиб, беғараз меҳр-мурувват кўрсатмаган олимни ким дейиш мумкин? Устозлик - олий мақом. Буни ҳеч ким сўраб, тилаб ололмайди. Кимни устоз дейиш-демасликни эса ёшларнинг ўзи яхши билади».

Дарҳақиқат, кўнгилга буйруқ бериб бўлмайди. Шу маънода юрак буюрганидек, оқни оқ, қорани қора деб айта олиш журъати Ҳайдарали Узоқов инсоний фазилатларининг гултожи, десак янглишмаймиз. Биз бирда бошловчи бир тележурналистга домланинг танбеҳ бериб, хато ва камчиликларини рўй-рост бетига айтиб турганига гувоҳ бўлганмиз. Ишонасизми-йўқми, шу панд-насиҳатдан сўнг ўша журналист ўз устида қаттиқ ишлаб, кейинчалик томошабиндар олқишини ҳам олди. Ёки олимнинг илк шеърий тўплами чоп этилган ёш иқтидорли бир шоирни қўллаб-қувватлаш мақсадида тақриз ёзиб, уни газета-журналларда бостириш учун риёзат чекиб юрган кунларига ҳам шоҳидмиз. Айтаверсак, бундай мисоллар ўнлаб-юзлаб топилади.

Қисқаси, бугун қутлуғ ёшини қаршилаб турган **Ҳайдарали УЗОҚОВ** Оллоҳнинг бебаҳо неъмати - ҳаётнинг асл моҳияти эзгулик эканини чуқур англаб, шу мақсадда яшаб, ижод қилаётган уйғоқ қалб соҳибидир. У кишининг ибратли умр саҳифаларига назар ташларканмиз, хаёлдан ушбу сатрлар кечди:

Бугунга масъулмиз,
билсанг, асли биз,
Бир эзгу ном ила
қолсин исмимиз.
Кеча-ку йўқ эди
биздан бир нишон,
Эрта ҳам бўлмайди
шаксиз жисмимиз.

Файзулла ҚИЛИЧЕВ,
Сирожиддин РАУПОВ.

- Асли деҳқон фарзанди бўлганим учунми, дала айланишини яхши кўраман, - дейди Зафаробод туман прокурори Омон Худойқулов. - Кенг далада деҳқонлар билан гурунглашишга нима етсин? Ахир, элни кийинтираман, халқни тўйдираман, юртни обод ва фаровон қиламан деб меҳнат қилаётган деҳқонга биз ҳаммамиз мададкор бўлишимиз жоиз эмасми?

Шу кунларда хўжаликларимизда кўкламги юмушлар кетаяпти, - деди у гапини давом эттириб. - Ғалла майсаларини парваришлаш, пайҳоннинг олдини олиш, экиш-тикишга ҳозирлик кўриш тадбирлари бажарилмоқда. Бу ишлар талаб даражасида сифатли бажарилиши учун белгиланган тартибда назорат қилиб бориш зарур.

Суратда: туман прокурори, адлия маслаҳатчиси Омон Худойқулов «Турон» ширкат хўжалиги раҳбари Абдусаид Сатторов билан ғаллазорда.

Шавкат АКРАМОВ олган сурати.

Мулкдорлар синфи жамиятнинг асосий таянчи, давлат иқтисодининг бир бўлаги бўлиб хизмат қилади. Шу билан бирга хусусий мулкчиликнинг ривожланиши янгича тафаккурни ҳам шакллантиради. Кичик корхоналар аҳолини иш билан таъминловчи манбагина бўлиб қолмай, бозорнинг ҳар куни ўзгариб турадиган талаб ва эҳтиёжларига тез мослаша олади. Мустақил ватанимизда ўз ери-ю, ўз хусусий корхона, фирмаларига эга бўлган мулкдорлар синфи шаклланиб бормоқда. Ҳатто юридик соҳада ҳам бу борада катта ўзгаришлар амалга оширилаётгани қувончли. Давлатимиз томонидан тадбиркорликка яратилган кенг имкониятлардан фойдаланиб, бой билим ва ҳаётий тажрибага эга нотариуслар ўзларининг хусусий нотариал идораларини очишмоқда. Шахсий амалиёт билан шуғулланувчи нотариал идоралар муҳрдорлари давлат нотариал идоралари билан тенг ҳуқуққа эга бўлиб, фуқаролар учун деярли бир хилда хизмат кўрсатадилар. Ана шундай тадбиркорлардан бири - Тошкент шаҳар, Сирғали туманида фаолият кўрсатаётган хусусий нотариал идоранинг муҳрдори Тўйгул опа Эгамбердиева бўладилар.

Тўйгул опа йигирма йил шу соҳада

Нотариус ҳаётидан

ЯНГИЧА ТАФАККУР САОДАТИ

меҳнат қилган. Касбининг пасту баланди қонун-қоидаларини дурустгина эгаллаган. Опа иқтидорига таяниб, ўтган йили «Тўйгул Эгамбердиева номли» хусусий нотариал идорага асос солганди.

- Мен Навоий вилоятида шу соҳада кўп йиллар меҳнат қилдим, - дейди Тўйгул опа. - Тақдир тақозоси билан Тошкентга кўчиб келгач, пенсия олиб, уйда бекор ўтира олмаслигимни ҳис этдим. Қолаверса, барпо этилаётган фуқаролик жамиятига, одамларга ҳуқуқий тушунча, маслаҳат беришга ўзимда зарурат сездим. Шу мақсадда хусусий нотариал идора очишга аҳд қилдим. Адлия вазирлигининг махсус синовидан ўтиб, Сирғали тумани ҳокимлиги кўмаги билан кўп қаватли уйлардан бирида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариал идора фаолиятини бошладик.

Биз ҳикоя қилаётган хусусий нотариуснинг иш бошлаганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Қисқа вақт ичида малакали нотариус фаолияти эл назарига тушди. Нотариал ҳаракатлар юзасидан мурожаат қилганларга хушмуомала, сифатли хизмат кўрсатилаётгани мижозларнинг кўпайишига сабаб бўлмоқда. М.Эгамбердиева ўз соҳасига оид янгиликлар, ҳукуматимиз томонидан чиқарилган қарорлар билан вақтида танишиб боради. Қолаверса, тез-тез тажриба алмашиб туриш мақсадида Тошкент шаҳар хусусий нотариал идоралар Палатасига аъзо. Палата олдида турган долзарб вазифалар ҳақида гапираркан Т.Эгамбердиева шундай деди:

- Қани эди, мустақил иш юритаётган нотариал идораларни республика миқёсида бирлаштирадиган, соҳага оид турли янгиликлар билан хабардор этадиган, кези келганда, ҳимоя қиладиган Палата иш бошласа, мақсадга мувофиқ бўларди. Бугун нотариусларга, уларнинг хизматига эҳтиёж ҳар вақтдагидан минг чандон кўп. Тан олиш керак, ўтиш даврида ҳалол тадбиркорлар, ишбилармонлар қаторида ғирромликни ўзига касб қилиб олган товламачи кимсалар ҳам учраб турибди. Ҳатто ўз қўли билан «тилхат» ёзиб бериб, кейин ундан тонадиганлар бор. Олди-берди, қарз, мол-мулк савдоси билан боғлиқ шартномаларни нотариал идора орқали амалга ошираётган фуқаролар бундан фақат ютадилар. Биз нотариуслар, айни пайтда, ҳуқуқшунос сифатида бу борада тарғибот-ташвиқот ишларини ҳам йўлга қўйишимиз, кишиларда ҳуқуқий онг, маданият шаклланишига ҳисса қўшишимиз лозим.

Тўйгул опа билан суҳбатлашиб, у кишини нафақат ўз касбининг фидойиси, балки жамият, халқ тақдири, дарду қувончи билан яшаётган уйғоқ қалб эгаси сифатида кашф этдик. Опанинг соғлом авлодни вояга етказишда ҳар бир фуқаро, ота-она олдида турган муҳим вазифалар хусусидаги фикр-мулоҳазалари, айниқса, ибратли. Бу алоҳида мавзу, албатта. Келажакда Т.Эгамбердиева билан бафуржа суҳбатлашишни ният қилган ҳолда мўъжаз мақоламизга нуқта қўйдик.

Мавлуда АНОРБОЙ қизи,
журналист.

Оғриқли ўйлар

САТАНГЛИК ҚИЗЛАРГА ЯРАШМАС

Ёмғир эзилиб-эзилиб ёғади. Аллақандай мубҳам туйғулар вужудимни қамраб олган. Деразадан олисларга тикиламан. Кўкка бўй чўзган тераклар, турли мевали ва манзарали дарахтлар қишнинг рутубатли кунларидан омон чиқиб, баҳор еллари билан саломлашгандек тебранишади. Осмонни эса ҳамон пағапаға булутлар қоплаб турибди. Шу тобда негадир хаёлим мени ўтган кунларга - талабаликнинг сархуш дамларида содир бўлган бир воқеага етаклади.

- Ўртоқжон, сени олиб кетаман, қўй энди, йўқ дема, дўст деган ҳам шунақа бўладими?! Доим ўзингни олиб қочасан. Пана жойни топасан-да, китобга тикиласан, - дугонам қўлимдаги китобни каравотга ташлаб, кифтимдан маҳкам қучоқлади. - Олиб кетаман, тамом-вассалом!

Ҳа, биз ўшанда Андижонга кетадиган бўлдик. Яхши кўрган дугоналаримдан бири шу - Шаҳло. Унинг юриш-туриши, кийиниши, одоб билан сўзлашлари, умуман, кўпчиликка хуш ёқади. Мен ҳам унинг ранг-баранг либосларда юришини қоралай олмасдим. Чунки унинг ҳар бир кийими ўзига жуда ярашарди-да.

- Азизам, «ЦУМ»га борайлик, «импорт» кўйлак келган эмиш, - деб қоларди Шаҳло тез-тез.

- Э, қўйсанг-чи, устим бутун, - қўл силтардим ҳафсаласиз.

- Вой, ҳеч кийинишга қизиқмайсан-а, қиз бола ҳам шунақа бўладими?

Дугонам гоҳ-гоҳида София Ротару қўшиқларини йиғлаб тингларди. Унинг бу ҳолатини мен омадсиз муҳаббати туфайли бўлса керак, деб ўйлардим. Чунки Шаҳлонинг изидан юрадиган йигитларнинг бирортаси унинг кўнглини ололмасди...

Андижонда икки кун бўлдик. Биринчи кун ҳарқалай тузук ўтди. Кинотеатр, кутубхонага бордик, бозор айландик. Иккинчи куни, яъни қайтадиган кунимиз...

Мен уйда телевизор кўриб ўтиргандим. Бирдан ҳовлида қий-чув кўтарилди. Югуриб чиқдим. Не кўз билан кўрайки, яхши кўрган дугонам жон-жаҳди билан онасини урарди. Она ҳам кучи борича қаршилик кўрсатар, қарғар, аммо барибир ҳирсдай қизига кучи етмасди.

Бир лаҳза ўзимни йўқотиб қўйдим. Сўнгра югуриб бориб, дугонамнинг қўлидан ушлаб тортқиладим. Қаердан куч пайдо бўлди, билмайман, уни онасидан ажратиб олдим. Шаҳлонинг кўзлари кўзимга тушганда, чидай олмади, йиғлаб юборди. Чопиб уйга кириб кетди-ю, бир зумдан сўнг кечагина ўзи уйига совға қилиб кўтариб келган чойнак-пиёлаларни олиб чиқди. Уларни супа четида турган харсангтошга уриб, чил-чил синдирди.

- Мана сенга, - деди у телбалардек, - пул бермасанг, сенга нарса кўтариб келиб, аҳмоқ эканман.

Онанинг кўзларидан дув-дув ёш оқди.

- Айтдим-ку, топиш-тутишим аввалгидек эмас. Чарчадим, бозорга чиқолмаяпман. Моянадан орттирган пулларимни йиғиб сенга бераяпману, бу ёқдагиларни нима қиламан деб, ичимни ит тирнаяпти. Тушунсангчи, нега тушунмайсан? Қачон одам бўласан?!

Хаёлимда кеча оқшом она-болалар ўртасида бўлиб ўтган суҳбат жонланди:

- Мана бу қулоғимдаги балдоқни яқинда олдим, - деди дугонамнинг турмушга чиқиб кетган опаси. - Шундоқ магазинда кўриб қолдиму шартта олдим. Ёққандан кейин олиш керак-да, қарзга бўлсаям.

- Тузук, ярашибди, - суҳбатни давом эттирди она. - Ёшлигимда ўзим ҳам шунақа эдим. Ёқтирган нарсамни олмасам, қўймасдим. Мана энди орттирганимни сизларга тарқатдим,қизларим. Яхши кунларингда тақиб, яйраб юринглар. Ҳа, тилла тақинчоқлар - аёл кишининг безаги.

- Сиз берган узукни сотдим, - деб дугонам ҳам гапга тушди. - Ахир, уч йилдан буён тақавериб жонга тегди-да. Устига яна пул қўшиб, манавини олдим. Зўр-а!

У бармоқларини ёйиб кўрсатди. Беш дона тилла узук электр чироғи ёғдусида ялт-юлт қилиб, кўзларни қамаштирди. Тўғриси, суҳбатдан толиқдим. Уларга «яхши-яхши»дан бошқа бирор сўз ҳам қўша олмадим.

Хаёлга берилиб, ёнимда йиғидан кўзлари қизарган, қимматбаҳо жомадонни кўтариб олган дугонамни ҳам пайқамабман.

- Кетдик, деди у сўниқ товушда.

Мен онахон билан хайрлашдим. У йиғлаб қолди.

...Поездда қайтишда дугонамга дилимни очдим:

- Шаҳло! Яхши иш қилмадинг. Онаизорингга озор бердинг. Сени ҳеч бунақасан деб ўйламагандим. Очиғи, ҳайратдан кўзларим қотиб қолди.

Шаҳло менга ғамгин тикилди.

- Тушунмайсан барибир, - деди қўл силтаб. - Кўпчилик орасида бўлгандан кейин кийиниш керак, ясаниш керак. Ахир, биз қиз боламиз-ку! Қизлар эрга теккунча уларни таъминлаб туриш отаонанинг бурчи эканлигини бувим тушунавермайди. «Йўқ» дейди-ю, туриб олади. Йўқ бўлса, топсин!..

...Жимгина ётоқхонага қайтдик. Сафар чарчатган экан, қаттиқ ухлаб қолибмиз. Бир пайт эшикнинг тақиллашидан уйғониб кетдим. Келган Шаҳлонинг хушторларидан бири Аваз экан. Йигит қандайдир ҳаяжон билан севгилисини сўраяпти-ю, мен унга қараб раҳмим келиб кетди.

...Бу олис воқеани ёдга олишимнинг сабаби бор. Яқинда телевизорда икки нафар қиз боланинг наркотик моддалар билан қўлга олиниб, иши судга оширилганини маълум қилишди. Яна бир бор ҳайратга тушдим. Қизларимизни пулга, бойликка ўчликдан асраш жуда ҳам зарурлигини дил-дилдан ҳис этдим. Ахир, қизлар қалбини нозик гулга қиёслашади. Бу нозикликни ҳар биримиз авайлашимиз, эҳтиёт қилишимиз шарт. В.Шекспирнинг «Қиз боланинг жамики бойлиги - унинг номуси, бу бойлик ҳар қандай меросдан ҳам қимматлидир», деган сўзлари маъносини чақиш ҳеч қачон фойдадан ҳоли бўлмайди.

Салима ҚИЛИЧЕВА,
«Инсон ва қонун» мухбири.

Ўт балосидан асрасин

БЕПАРВО БЎЛМАНГ, ОДАМЛАР!

Ватанимиз мустақиллиқка эришгач, юртимиз равнақи, турмушимиз фаровонлиги йўлида талай савоб ишларга қўл урилди. Айниқса, қишлоқ ва шаҳар аҳолисини узлуксиз газ, электр энергияси ва ичимлик суви билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг алоҳида ғамхўрлиги билан бугунга қадар республикамиз бўйича аҳоли турар жойларининг 90-95 фоизи газлаштирилди. Хонадонларда зангори олов туфайли маиший ҳаёт яхшиланмоқда. Қолаверса, ишлаб чиқариш соҳалари кескин юксалмоқда. Қатор муваффақиятларга эришилмоқда.

Лекин шу билан бирга, зангори оловдан фойдаланишда баъзи фуқароларнинг ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этмасликлари ҳам жойлардаги газдан тўғри фойдаланишни назорат қилувчи мутасадди идораларнинг раҳбар ва ходимлари ўз вазифаларига эътиборсизлиги сабабли кутилмаган ҳодисалар ва ҳатто фожиалар содир бўлаётгани сир эмас. Газ қувурларини таъмирлаш, ишлатиш вақти ўтганларини алмаштириш, уларни сурункали назорат қилиб туриш ишларига эътиборсизлик оқибатида қувурлардан сизиб чиққан газдан ёнғин, портлаш ва портлаш билан боғлиқ оғир оқибатлар юзага келмоқда. Бу эса ўз навбатида инсонларни тан жароҳати олишларига ва айрим ҳолларда эса бевақт ҳалок бўлишларига сабаб бўлмоқда. Масалан, шу йилнинг ўтган даври мобайнида газдан фойдаланишни назорат қилиш ишларидаги камчиликлар туфайли бир неча бор содир бўлган газ портлашларида инсонларнинг ҳалок бўлиши ва тан жароҳати олиш ҳоллари кескин ошиб кетиши, кўплаб турар жой биноларининг шикастланиши қайд этилди.

22 март куни Самарқанд вилояти Самарқанд туманида жойлашган "Шариф бобо" хусусий савдо дўкони биноси ертўласи яқинидан ўтган газ қувурининг яроқсиз ҳолга келиб қолган қисмидан сизиб чиқиб, тўпланиб қолган газ чақнаши натижасида содир бўлган ёнғиндан бир неча киши ҳалок бўлган ва тан жароҳати олишган.

25 март куни Фарғона вилояти Бешариқ шаҳрида жойлашган хусусий ошхонада табиий газнинг сизиб чиқиши оқибатида портлаш юз бериб, ошхонанинг 82 квадрат метр хажмдаги томи вайрон бўлган. 3 киши турли даражада куйган ва турли тан жароҳати олган.

Шундай нохуш ҳодисаларни олдини олиш мақсадида республика Ички ишлар вазирлиги ёнғиндан сақлаш хизмати ходимлари вилоят, шаҳар ва туманлар газ ҳамда уй-жойга хизмат кўрсатиш идоралари, маҳалла қўмиталари билан ҳамкорликда аҳоли турар жойлари халқ хўжалиги масканларида газ қувурлари, газ ускуналарининг техник созлиги ва ёнғин хавфсизлиги ҳолатларини текшириб чиқдилар. Текширишлар давомида 396 минг 724 та кўп қаватли уйлар аҳоли турар-жойлари ва халқ хўжалиги масканларидаги газ қувурлари, газ тақсимлаш қутилари, газ ускуналари ва мосламаларининг ёнғин хавфсизлиги ҳолати кўрикдан ўтказилди.

Тадбир давомида бир қатор ҳудудларда газ қувурлари, газ асбоб ва мосламаларидан фойдаланишда камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилаётганлиги аниқланди. Жумладан, Навоий вилояти Навоий тумани Маликробод қўрғони ҳудудида 8800 метр ўрта ва паст босимли газ қувурлари 1960 йилларда ер остидан ўтказилган бўлиб, бугунги кунда газ қувурлари устки қобиғи эскириб, хизмат муддатини ўтаб бўлган. Шу тумандаги "Ўзбекистон" жамоа хўжалиги ҳудудидаги ер остидан ўтказилган 33467 метр газ қувурларининг аҳволи ҳам қониқарли даражада эмас. Ушбу газ қувурлари 1965 йилда ўтказилган бўлиб, уларнинг ҳам устки қатламлари чириб, яроқсиз ҳолга келиб қолган. Айрим жойларда газнинг кам миқдорда бўлса-да, сизиб чиқиш ҳоллари аниқланди.

Фарғона вилояти Риштон тумани газ тақсимлаш станциясидан ер ости газ қувурлари 1967 йилдан 1975 йиллар оралиғида ўтказилган бўлиб, узоқ йиллар мобайнида фойдаланилиши натижасида яроқсиз аҳволга келиб қолган ва ҳозирги кунга қадар ушбу қувурларни алмаштириш ёки таъмирлаш ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Бундан ташқари Ўзбекистон тумани Конизор қишлоғида ер ости газ қувури ўтган ҳудуддан қонунга зид равишда томорқа учун ер майдони берилган ва аҳоли томонидан уй-жой қуриш ишлари амалга оширилмоқда.

Шу билан бир қаторда фуқароларимиз газ қувурларидан, тақсимлаш қутиларида ўрнатилган газ жўмракларидан соҳа ходимларининг рухсатисиз ўзбошимчалик билан уйларига, иссиқхоналарига газ ўтказиб олиш, газ тақсимлаш қутиларидаги жўмракларини очиб, босимни хоҳлаганча кўпайтириб ёки умуман беркитиб қўйишмоқда. Оқибатда газ тизими ва тақсимоти бузилмоқда, қатор нохуш ҳодисалар юз бермоқда.

Шунингдек, сўнгги йилларда балонли газлардан фойдаланишни назорат қилиш, балонларни белгиланган муддатларда синовдан ўтказиш ишлари газлаштириш идоралари ходимлари томонидан жуда сust олиб борилмоқда.

3 феврал куни Марғилон шаҳридаги қурилиш моллари бозори олдидаги хусусий ошхонада газ балонининг портлашидан ва содир бўлган кучли ёнғиндан 3 нафар фуқаро ҳаётдан кўз юмди ва 5 нафар фуқаро тан жароҳати олиб, шифохонага ётқизилди. Бу мудҳиш ҳодисага айрим газлаштириш идораларининг масъулиятсиз ходимлари сабабчи эмасмикин?

Вилоятда атиги 2 та газ тўлдириш корхонаси фаолият кўрсатади, лекин ушбу ташкилот раҳбарлари умумовқатланиш муассасаларида балонли газлардан фойдаланиш мумкин эмаслигини жуда яхши билишса-да, хусусий ошхоналарда ишлатилаётган газ балонларидан фойдаланишни таъқиқламаганлар, хусусий ошхоналарга қаердан носоз газ балонлари келиб қолаётганлиги билан қизиқмаганлар. Ахир, газ таъминоти, газ балонларни синовдан ўтказиш, уларни аҳолига етказиб бериш ишлари билан фақатгина газ идоралари шуғулланиши ҳаммага маълум-ку.

Шу ва шунга ўхшаш камчиликлар олиб борилаётган тадбирлар давомида Андижон, Бухоро, Самарқанд, Сирдарё, Сурхондарё, Тошкент вилоятларида ҳам аниқланди.

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, инсонларнинг ҳалок бўлиши, тан жароҳати олишларига, йиллар давомида қурилган биноларнинг бир зумда вайрон бўлишига оддий нарса фуқароларнинг ўз тақдирига ўзлари бепарволик билан қарашлари сабаб эмасми? Шу билан бир қаторда газ қувурлари ва ускуналарини ўз вақтида таъмирлаш, носозларини алмаштиришга масъул ва жавобгар бўлган ташкилотлар раҳбарлари ҳамда ходимларининг масъулиятсизлиги ҳам сабаб бўлаётгани аён. Бундан ташқари жойларда бундай ҳолатларга ёнғиннинг олдини олиш ва кишилар хавфсизлигини таъминлаш ишларига етарли эътибор бермаслик, шунингдек, аҳоли ўртасида газ мосламаларидан тўғри фойдаланишни талаб даражасида тарғиб қилмаслик оқибатида ҳам юзага келмоқда.

Юқорида келтирилган мисоллар, рақамлар, ҳалок бўлган ва жароҳатланган кишилар тақдири барчамизни бефарқ қолдирмайди, деб умид қиламиз.

Мурод ИКРОМОВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғиндан сақлаш бошқармаси бўлинма бошлиғи, ички хизмат майори
Рамзиддин АСЛОНОВ,
ички хизмат катта лейтенанти.

***

Суратларда: ёнғиндан сақлаш хизмати ходимлари ҳаётидан лавҳалар акс эттирилган.

Капотдаги интервью

"КАКРАС" БЕШ ЯРИМДА ЙИҒЛАГАН ГЎДАК

ёки Шўх "КЕЛИН-КУЁВ" Одамлар Ушрашуви... ми?

Тавба, ҳеч ўйламовдим: шундай таниқли одамни телевидениедаги янги келин тушган уйдай кўркам, ҳашаматли хоналардан бирида эмас, футболсеварлар орасида, «Спорт» газетаси таҳририяти жойлашган бинодаги оддий кабинетлардан бирида учратаман деб... Агар эшикларига «Чархпалак», «Келин-куёв ШОУ» деб осма СОАТ капгиридай-капгиридай ҳарфлар билан ёзиб қўймаганларида, балки бу ердан ҳам топмай қайтиб кетармидим...

Йўқ, Соат сўзидан, мухбир изидан қайтмас, деган экан донолар. Алдаркўса тавалуди дунё бўйлаб кенг нишонланадиган кун - 1 апрел СОАТ тахминан-«какрас» 12 яримда СОАТ ака кабинетида ширин чой ҳўплаб, ширин сухбатни бошлаб юбордик.

- Хуллас, азизлар, бугун «Сайилгоҳ»имиз меҳмони - таниқли санъаткор, «Келин-куёв ШОУ» кўрсатувининг бошловчиси Соат Шарипов! (Гулдурамас қарсаклар! Чунки хонада икки кишидан бўлак ҳеч ким йўқ эди).

- Соат ака, энг аввало, Сизга ҳали ўзингиз ҳам эшитмаган бир хушхабарни етказмоқчиман. Сиз мана, қанча-қанча келин-куёвларни шармандa... йўғ-ей, армонда қолдирмай, «ШОУ», яъни Шўх Одамлар Учрашувини ташкил этаётганингиз учун 1 апрел куни «Республикада хизмат кўрсатган «телеқайнота» деган унвонга сазовор бўлибсиз. Қаттиқ табриклайман.

- Қаттиқ раҳмат!

- Энди, ака «Сайилгоҳ ШОУ» кўрсатувимизни бошласак. Фақат бу гал ижозатингиз билан саволни биз берсак-да, «Сайилгоҳ»имизнинг азиз меҳмони бўлганингиз учун сиз куёвлар қаторида ўтириб, сўровларимизга жавоб қайтарсангиз.

- Келишдик.

- Айтинг-чи, Соат Шарипович, ўзингиз ҳам кеннойимиз Гулсара Шарипова билан кўрсатувингизда чиқадиган кў-ўп куёвлар сингари... бекатда танишиб қолганмисиз?

- Йўқ, автобусда. Аммо автобусдаги ўша танишув онлари келгунча, вой-бў, уч йил ортида кўзларим нигорон бўлган. Мен Театр ва рассомчилик институтида ўқиб, 76-йилларда «Парвоз» деган ансамблда драма тўгараги раҳбари бўлиб ишлардим. Бир куни қайсидир асарни (аниқ эсимда йўқ) саҳналаштирадиган бўлдик. Ўша пайтда вокал гуруҳ раҳбари бўлган дўстим Мансур Маъмиров педагогика институтининг мусиқа факультетида ўқийдиган талабаларни олиб келди. Биз иш билан оворамизу бир пайт овози дўрилдоқ доиракаш йигитимиз кепти:

- Соат ака, пединститутдан жа-а чиройли қизлар кеп қопти. Илтимос ака, биттасини менга таништириб қўйинг...

- Нима, ўзинг танишолмайсанми?

- Энди сиз гапга устасиз, - деб ҳеч қўймади.

- Қайси бирини десам, - ўзингизга ёққани - бизга ёққанида, - деди кулиб.

- Оббо сен-ей, устасига фарқи йўқ, дегин, - ҳазиллашдим мен ҳам.

Энди қизларнинг хунуги бўлмайди, бир-биридан сулув эди улар. Доиракашнинг гапи баҳона, бир-икки кун ичида улар билан анча яқин танишволдим. Аммо улар орасида жуда ҳаёли, камгап, мағрур бир қиз бор эди. Шуниси билан гаплашишим анча қийин кечди.

...Учинчи кун доиракаш сўраяпти:

- Соат ака, бирортасини топдингизми?

- Ҳов, анави қизни...

- Бўпти ака, розиман!

- Розимиш! Э, доирангни чал-ей! Ўзимга топдим уни, ука!

...Шундай қилиб, 1978 йили 3 август куни Самарқанднинг Пахтачи туманида бошланган «Келин-куёв ШОУ» Бухоронинг Ғиждувонида давом этди...

- Соат ака, билишимча, Шариф бобонинг олти нафар ўғиллари бор экан-а!

- Ҳа.

- Лекин сиздан бошқа бирортасининг ҳам исми вақтга боғлиқ эмас.

- Исмимнинг тарихи қизиқ. Ғўдаклигимда жуда йиғлоқи бўлган эканман. (Бўладиган бола бошидан, деганларидек). Онам раҳматлининг айтишича, ҳар кун саҳарги 5^{30} да чинқириб йиғлашни бошлар эканман. 5^{00}да ҳам эмас, 5^{45} да ҳам эмас, бир хил - 5^{30} да! Шундан кейин ота-онам «Бу ўғлимиз ўз оти билан туғилибди - Соат бу, Соат» деб исм қўйворишган.

- Соат ака, сизнинг ҳам анча ВАҚТингизни олдим. Энди...

- Зарари йўқ. ***(Соатига қарайди)***. Яна ўн беш минут «тергов» қилишингиз мумкин.

Шу пайт суҳбатимизга аралашишга журъат қилолмай ўтирган Вали қизиққа жон кирди ***(Вали Шамсиев ўша кунги «Келин-куёв ШОУ»да қатнашган экан)***:

- Мухбир ака, аввало узр, мабодо Соат акамга саволингиз қолмаган бўлса, у киши ва у кишининг «адаш»лари тўғрисида бир нарса айтиб берайми?

- Яхши бўларди.

- Вақт сўралганда фақат дикторларгина тўғри жавоб қилишаркан. Масалан, 12 дан 45 минут ўтди, тўғрими?

ДИКТОРЛАР: - Соат Тошкент вақти билан 12 дан 45 дақиқа ўтди.

ДОВДИРЛАР: - Соат 12 яримдан 15 минут ўтди.

ПАЛА-ПАРТИШЛАР: - Вой-бу, ҳали 15 минут бор экан, ИШДАН ЧИҚИШИМИЗГА...

«Ў» ҲАРФИНИ АЙТОЛМАЙДИГАН БОЛАКАЙ: - Каттаси УНГА тегай деяпти, кичкинаси БИРГА тегай деяпти.

ДОЛЛАР БОЗОРИДАГИЛАР: - Сўрашимиз ЎН ИККИ-Ю ҚИРҚ, айтишимиз ЎН ИККИ-Ю ҚИРҚ БЕШ.

СОАТИ БУЗУҚ ОДАМ: - Қирқ беш минут ўтди. «Неччидан?» десангиз, «Билмайман, кичкина стрелкаси синиб қолган», дейди.

ЧОЛЛАР носни отволиб, қўчадан ўтаётган кекса онахонлардан кўзини узмай, «ЎН БЕШТА КАМПИР бўпти, болам» дейишса, қизиқчилар «Гап билан бўлиб билмабмиз, ОБИД ўтиб қопти» дейишаркан.

- Обед, денг? Дарвоқе, Соат ака, қанақа овқатларни хуш кўрасиз?

- Меҳр билан тайёрланган овқатни.

- Соат ака, Валижоннинг гапига кириб ҳозир тушликка туриб кетсак, иштаҳамиз очилиб, суҳбатимиз чала қолиб кетади. Келинг, ишни сценарий бўйича давом эттирсак. Сиздан севимли кўрсатувимиз муаллифи ва кўпчилик келин-куёвларимизнинг «телеқайнотаси» сифатида яна никоҳ ва тўйлар ҳақида бир-иккита нарса сўраб олсам. Ҳов бир телефонда гаплашганимизда никоҳ ҳам бир неча хил бўлади, дегандингиз...

- Никоҳ тўйи инсон умрида энг унутилмас воқеалардан биридир. Турли халқлар уни турлича ўтказадилар. Урф-одатларнинг ҳар хиллигига қарамасдан, никоҳ тўйларининг ҳам ўзига хос хусусиятлари бор. Бу — севиш, севилиш, садоқат, ҳис-туйғулар туғёни. Бир пайтлар Болгарияда чоп этиладиган «Лада» журналида никоҳ ҳақида қизиқ нарсалар ўқигандим.

Ёзишларича, никоҳ бир неча хил бўларкан. Севги билан тузилган никоҳ, дўстлик орқали, иқтисодий фикрлаш орқали, руҳий бекаму кўстлик туфайли, фарзанд кўриш иштиёқида, ажралишдан кейинги бўлган никоҳ ва ҳоказо.

Севги билан тузилгани — энг оммалашган никоҳ ҳисобланаркан. Чунки киши севгилиси учун барча яхши хислатларни ишга солади.

Дўстлик орқали бўлгани — ёшларда умумий қизиқишлар билан бир қаторда ўзгаларнинг қизиқишларини ҳурмат қилиш ҳисси бўлади. Бундай алоқалар кўпинча бир умрлик севгига замин яратади.

Руҳий бекаму кўстлик туфайли тузилган никоҳдан эса баъзилар бирон бир фойда олиш ёки ёлғизликдан қутулиш мақсадида ўтишади. Шарқона одобга тўғри келмаслиги учун оврўпача никоҳ турлари ҳақида бошқа тўхталиб ўтирмасак. Яхшиси, сизга тўйлар ҳақида гапириб берсам. Биласизми, эр-хотин умри давомида неча хил тўй ўтказади?

- Менимча, никоҳ тўйи, шу тўйдан 50 йил ўтгач, кўпчиликка насиб этадиган Олтин тўй, 60 йилдан кейин ўтказиладиган Жавоҳир тўй... Шулар ҳақида сўраяпсизми?

- Ҳа. Лекин оилада умрбод тотувликни, аҳилликни таъминлашни ният қилган эркак бу тўйларни қачон ўтказишни билиб олса ва имкон даражасида нишонлаб борса, фойдадан холи бўлмайди. Масалан, Яшил тўй - уни ёшлар турмуш қуришган дастлабки 1 йил мобайнида ҳар ойда, яъни никоҳ бўлиб ўтган кунда нишонлашади. Одатда бундай вақтларда фақат гул тақдим этилади. Хамир тўй эса...

- Новвойлар хонадонида нишонланадиган тўй, топдимми?

- Йўқ, 40 градусга адашдингиз. Хамир тўй - никоҳга 1 йил тўлиши муносабати билан «любой» хонадонда нишонланиши мумкин. Бундай тўйда рўзғор буюмлари совға вазифасини бажаради.

Ёғоч тўй - никоҳдан 5 йил ўтгач нишонланади. Совға ҳам номига муносиб бўлиши керак: унда ёғоч буюмлар - қутича, шамдон берилади.

Мис тўй - никоҳга 7 йил тўлганда нишонланади. Бундай тўйда мисдан ишланган турли тақинчоқлар ва идиш-товоқлар тақдим этилади.

Атиргул тўй - 10 йилликда ўтказилади. Эр хотинига атиргуллардан ясалган нафис гулдаста совға қилади.

Руҳланган тўй - никоҳга бир мучал (яъни 12 йил) тўлган куни ўтказилади. Шу куни руҳли идиш-товоқлар ва ошхона буюмлари совға қилинади.

- Соат ака, бу йил июлда менинг уйланганимга 14 йил тўлади. Демак, келинингизга чўян қозон олиб қўйсам, хато бўлмасмикин?

- Насиб қилса, ўша куни совға танлагани «хозмаг»га бирга ўтармиз. Мен ҳозир ёдимдан кўтарилмай, сизга қолган тўйларни ҳам айтиб берай. Кейингиси - Ойнаванд тўй. Никоҳга 15 йил тўлганда нишонланадиган бу тадбирда яна шошиб қолиб, дераза-пераза совға қилиб юрманг. Нафис, ойнали буюм топсангиз бас.

Никоҳнинг 20-йилида, 25, 30, 40-йилларида нишонланадиган тўйлар қандай аталади-ю, унда қандай совғалар тақдим этилади? Келинг, «Келин-куёв ШОУ» кўрсатуви мухлислари бизга ва севимли газетамиз таҳририятига бу ҳақда билганларини ёзиб юборишса... Биз уларнинг жавобларини газета саҳифасида ва кўрсатувимизда эълон қилиб борардик ва шу орқали мухлисларимизнинг бу борадаги зукколикларини билиб олардик.



- «Келин-куёв ШОУ» кейинги пайтда ўз мухлисларини топди. Энди ҳамма кўриши шарт эмас...

- Нега, ҳамма кўраверсин.

- Тушунмадингиз. «Ҳамма кўриши шарт... эмас» кўрсатувидаги каби қизиқ воқеалардан сўрамоқчи эдим.

- Бундай воқеалар кўп. Тўйда хизматдамиз. Нима бўлди-ю, қўшиқчи йигитлардан бири кечикиб борди. Тўй эгаси ранжиб гапирса, қўшиқчи ёш болага ўхшаб шошиб қолиб (ё ростдан шундайми), соати тўхтаб қолганини баҳона қилди. Хонадон соҳиби эса жаҳл устида «Э, бунақанги соатни поезд тагига ташлаб юбориш керак», деди. Қўшиқчимиз ҳам аскиячи йигитлардан эди, менга қараб нима дейди:

- Бу ерда тўй эгаси нима деса шу-да, тўғрими, Соат ака?

- Тўғри ука, тўғри.

- Юринг унда, сизни темир йўлгача кузатиб қўяй.

«Соат ШОУ»ни Тўхтамурод ҲАСАНБОЕВ уюштирди.
Тасвирчи: Шавкат АКРАМОВ

МУАССИС
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир Файзулла ҚИЛИЧЕВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ
Гайбулло РАҲИМОВ
Парахат АЙТНИЁЗОВ
Бурхон БЕКМИРЗАЕВ
Шавкатжон МАВЛОНОВ
Неъмат АМИНОВ
Абдил ТЎХТАШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Сирожиддин РАУПОВ (Бош муҳаррир ўринбосари)
Узоқ БОЗОРОВ
Элмурод МУТАЛХЎЖАЕВ
Тўхтамурод ҲАСАНБОЕВ (масъул котиб)
Миршоҳид МИРҲАМИДОВ
Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририятида саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усули билан «ШАРҚ» нашриёт матбаа концерни босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-316 Тиражи-10.000. Босишга топшириш вақти 21.00 Босишга топширилди 20.00

Навбатчи: А.ХЎЖАМОВ
Компьютерда оригинал макет тайёрловчи: У. ДЎСМАТОВ
Компьютерда матн терувчи: М. ДЎСТОВА

700047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси 3.
Тел,факс: (371) 133-24-41
«Инсон ва қонун» газетаси 1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 0041- сон билан рўйхатдан ўтган.